N 6 (83) • 2007 йил 6 февраль

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

# Парламент хабарлари

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида



**Аҳолини шинам уй-жой билан янада тўлароқ таъмин этиш, уй-жой қурилишини, айниқса кичик шаҳарлар ва қишлоқларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш масалаларига муҳим аҳамият бериб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.** Якка тартибдаги уй-жой қурувчиларни ҳамда аҳоли учун уй-жой барпо этаётган хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашга кўмаклашиш мақсадида мазкур қарор асосида «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки ҳамда Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Қарор бу соҳадаги қонунчилик базасини ривожлантиришга қудратли омил бахш этди. «Ипотека тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2006 йил 30 декабрдаги ҳамда «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2007 йил 3 январдаги қарорлари қабул қилинди.

Ана шу муҳим масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодийислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки ҳамкорлигида «Ипотека муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари» мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида муҳокама этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганидек, ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча минтақаларида «Ипотека-банк»нинг 38 филиали ва 150 дан ортиқ минибанки аҳолининг кенг қатламларига банк соҳасида замонавий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида банк ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан уй-жой қурилишига, уни сотиб олиш ва таъмирлашга ўз маблағлари ҳисобидан 7,1 миллиард сўм миқдорида, шунингдек, қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларга 22,8 миллиард сўм миқдорида ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 14,2 миллиард сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди. Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли ипотека кредитлари бериш механизми йўлга қўйилмоқда.

Анжуманда ипотека муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш тизимини жорий этиш тажрибаси, шунингдек, юқорида зикр этилган қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигидан келиб чиқиб, ипотека муносабатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда мамлакатимизда, айниқса кичик шаҳарлар ва қишлоқларда уй-жой қурилишига ипотека кредитлари берилиши устидан мониторинг ташкил этиш ҳамда бундай кредитлашнинг рағбатлантирувчи механизмини жорий этишнинг, шунингдек, ёш оилаларни аниқ тарзда ижтимоий ҳимоя қилишнинг аҳамияти ва зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Баҳс ва мунозаралар асносида ипотека бозорини ривожлантириш ҳамда ипотека муносабатларини рағбатлантириш, ипотекани рўйхатдан ўтказиш механизмларини такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозори ва ипотека билан боғлиқ бошқа молиявий бозорларнинг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш масалалари юзасидан давра суҳбати иштирокчилари ўз таклифларини билдирдилар ҳамда тавсиялар қабул қилдилар.

Давра суҳбатида сенаторлар, Марказий банк, вазирлик ва идоралар, тижорат банклари, муҳандислик-қурилиш компаниялари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.***

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида



**30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Депутатлар «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасини давом эттирдилар. Қонун лойиҳасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунга Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги нормалари батафсил таҳлил этилди. Қонун лойиҳаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан судда ишларни юритишни янада такомиллаштиришга қаратилган ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган давлатимизни ривожлантириш концепциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш жараёнига тўла-тўкис мос келади. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, энг аввало, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни кўришга, ҳакамлик судида қўзғатилган даъвони таъминлаш чораларига ҳакамлик суди ҳал қилув қарорларининг ижросига, ҳакамлик суди институти амал қилишидан келиб чиқадиган бошқа ҳуқуқий қоидаларга дахлдордир. Муҳокама чоғида депутатлар мазкур ҳужжатни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва масъул қўмитага лойиҳани учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширди.

### ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси "Сиёсий партияларнинг парламентдаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари" мавзуида давра суҳбати ўтказди.**

Мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарган давра суҳбатида Қонунчилик палатасидаги барча партия фракцияларининг вакиллари, депутатлар, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда дастлаб, парламент қуйи палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг сиёсий ва ҳуқуқий аҳамияти тўғрисидаги маърузаси тингланди. Нотиқ ўз маърузасида ушбу ҳужжат Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинганлиги ҳамда айни пайтда иккинчи ўқишга тайёргарлик жараёни кетаётганлиги ҳақида ҳам ахборот берди.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш борасида алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Дарҳақиқат, давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш ва уларга кенг имконият яратиш мустақиллик йилларида сиёсий партиялар томонидан тўпланган бой тажриба, шунингдек, фуқароларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги ошганлигининг эътирофидир. Шу боис, сўзга чиққанлар фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида сиёсий партияларга берилаётган имкониятлар уларга ўша даражада масъулият юклатилишини таъкидладилар.

***ЎзА ва ЎзР ОАВ материаллари асосида тайёрланди.***

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 6 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 961,10 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2441,45 |
| 1 Дания кронаси | 215,83 |
| 1 БАА дирхами | 338,41 |
| 1 АҚШ доллари | 1242,85 |
| 1 Миср фунти | 218,37 |
| 1 Исландия кронаси | 18,08 |
| 1 Канада доллари | 1048,82 |
| 1 Хитой юани | 160,10 |
| 1 Малайзия ринггити | 355,10 |
| 1 Польша злотийси | 412,44 |
| 1 СДР | 1859,13 |
| 1 Туркия лираси | 885,85 |
| 1 Швейцария франки | 994,60 |
| 1 евро | 1608,00 |
| 10 Жанубий Корея вони | 13,28 |
| 10 Япония иенаси | 102,88 |
| 1 Россия рубли | 46,94 |
| 1 Украина гривнаси | 246,11 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 5.02.2007 | 1 | 0,8703 | 1 | 1,126 | 1 | 0,0328 |
| Арманистон | 2.02.2007 | 1 | 358,85 | 1 | 467,22 | 1 | 13,55 |
| Беларусь | 3.02.2007 | 1 | 2141,00 | 1 | 2787,05 | 1 | 80,85 |
| Грузия | 3.02.2007 | 1 | 1,719 | 1 | 2,2378 | 1 | 0,0649 |
| Қозоғистон | 3.02.2007 | 1 | 125,98 | 1 | 164,03 | 1 | 4,76 |
| Қирғизистон | 3.02.2007 | 1 | 38,7226 | 1 | 50,4149 | 1 | 1,4623 |
| Латвия | 5.02.2007 | 1 | 0,54 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0204 |
| Литва | 5.02.2007 | 1 | 2,6525 | 1 | 3,4528 | 10 | 10,019 |
| Молдова | 5.02.2007 | 1 | 12,9508 | 1 | 16,8659 | 1 | 0,4893 |
| Тожикистон | 3.02.2007 | 1 | 3,439 | 1 | 4,4776 | 10 | 1,2987 |
| Ўзбекистон | 6.02.2007 | 1 | 1242,85 | 1 | 1608,00 | 1 | 46,94 |
| Украина | 5.02.2007 | 100 | 505,00 | 100 | 657,51 | 10 | 1,9071 |
| Эстония | 2.02.2007 | 1 | 12,0183 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,453851 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

***Келиб тушган саволларга эксперт Лидия ЮГАЙ Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Эркин ГАДОЕВдан жавоб беришни илтимос қилди.***

## ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ ТАННАРХГА КИРИТИНГ

**?** ***«Сирдарё ИЭС» ОАЖ жадвалга кўра энерготизим ускуналарини хўжалик усулида ҳамда пудрат ташкилотларини жалб этган ҳолда жорий ва капитал таъмирлашларни амалга оширади. Пудрат ташкилотларини жалб этган ҳолда ишларни бажараётганда қисман бизнинг эҳтиёт қисмларимиз ва материалларимиздан фойдаланилиб, ускуналарнинг эҳтиёт қисмларини алмаштириш ва ўрнатиш станция ҳудудидан олиб чиқмасдан жойнинг ўзида амалга оширилади.***

***Мазкур ҳолда биз пудратчи таъмирлаш ташкилотларига ўрнатилаётган эҳтиёт қисмлар ва материалларга ҳисобварақ-фактура ёзишимиз керакми?***

**Ғ.Мамаризаев,**
**«Сирдарё ИЭС» ОАЖ бош бухгалтери.**

– Йўқ, **керак эмас.** Ҳисобварақ-фактурани товарларни сотадиган, ишларни бажарадиган ва хизматлар кўрсатадиган корхоналар ёзиши керак *(Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 апрелда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 43-банди).* Пудрат ташкилотларининг таъмирлаш ишларини бажараётганда сизнинг эҳтиёт қисмларингиз ва материалларингиздан фойдаланиши товарларни сотиш ҳисобланмайди.

Ускуналарни таъмирлашда фойдаланиладиган материаллар ҳамда пудрат ташкилотлари ишларининг қиймати ишлаб чиқаришнинг моддий харажатларига киритилади (2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи) ва маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига қўшилади *(Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Харажатлар таркиби тўғрисида низом Б бўлимининг 1.1.2 ва 1.1.4-бандлари).*

## ҲИСОБ ВА ТУШУМНИ АЖРАТИНГ

**?** ***Корхона чакана савдо соҳасида фаолият-ни амалга оширади. Бундан ташқари, у уяли алоқа компанияси билан экспресс ҳақ тўлаш карталарини сотиш шартномасини тузган. Шартномага мувофиқ сотилган карталар ҳажмидан воситачилик ҳақи оламиз.***

***Экспресс ҳақ тўлаш карталарини сотишдан олинган товар айланмасидан ягона солиқ тўловини тўлаш қандай амалга оширилади?***

**Х.Троянова,**
**корхона директори.**

– Экспресс ҳақ тўлаш карталари – товар эмас, тегишинча, сотилган карталар қиймати сизнинг товар айланмаси – ялпи тушумингизга киритилмайди. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш учун даромадларни алоҳида: чакана савдо бўйича ва воситачилик хизматлари бўйича ҳисобга олиш керак. **Экспресс ҳақ тўлаш карталарини сотиш бўйича хизматлар кўрсатишдан ялпи тушум – воситачилик ҳақи суммаси 33 фоизлик ставка бўйича солиққа тортилади** *(Президентнинг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-532-сон қарорига 23-илова).*

## УЛГУРЖИ КОМИТЕНТ

**?** ***Хусусий корхона республикага товар импорт қилади. Уни «Эркин муомала учун чиқариш (импорт)» режимида расмийлаштирганидан кейин корхона товарни воситачилик (комиссия) шартномалари бўйича сотишга беради, яъни комитент вазифасини бажаради. Қуйидагиларни тушунтириб берсангиз:***
***– комитент фаолияти воситачилик шартномаси бўйича улгуржи савдо ҳисобланадими?***
***– комитент улгуржи савдо билан шуғулланишга лицензия олиши шартми?***
***– комитент корхона қандай солиқ тўлаши шарт?***

**Н.Маҳмудова,**
**бош бухгалтер.**

– Агар корхонангиз ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шакли бўйича, шу жумладан воситачилик шартномалари бўйича товарларни сотиш билан шуғулланса, ушбу фаолият улгуржи савдо ҳисобланади. Тегишинча, сиз корхонангиз давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги шаҳар (туман) ҳокимлигидан **улгуржи савдо билан шуғулланишга лицензия олишингиз керак.**

Улгуржи савдо корхоналари 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ солишнинг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқисиз ягона солиқ тўловини тўловчилар ҳисобланади (бунгача улар ялпи даромад солиғини тўлаганлар).

## БАРТЕРДАН ФОЙДАЛАНМАНГ

**?** ***Хусусий фирма қурилиш билан шуғулланади. Пудрат шартномаси бўйича буюртмачининг материалидан ишларни бажардик. Унинг бир қисми фойдаланилмасдан қолди. Буюртмачи билан келишган ҳолда фойдаланилмаган материални биз ўзимизда қолдирамиз ва у билан ўзаро ҳисоб-китоб қиламиз. Яъни буюртмачи фарқ тўловини амалга оширади: бажарилган ишлар ҳажмидан материал қийматини чегиради.***

***Бундай операцияни ўтказиш мумкинми?***

– **Йўқ, мумкин эмас,** чунки у Президентнинг 1996 йил 9 августдаги «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-1504-сон Фармонига зид бўлган бартер операцияси ҳисобланади.

## КОМПЕНСАЦИЯНИНГ ҲАММАСИ ЎЗИНГИЗНИКИ

**?** ***«Авулқосим ота» фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ҳамда ягона ер солиғи ва сотилган маҳсулот ҳажмидан бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар тўлайди. Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра фермер хўжалиги етказилган зарар учун пул компенсацияси, шу жумладан иссиқхона қиймати ва бой берилган фойда қопламини олди.***

***Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра етказилган зарар учун олинган компенсация солиқларга тортиладими? Агар тортилса, у яхлит ҳолда ёки зарар ва бой берилган фойда сифатида алоҳида-алоҳида солиққа тортиладими? Олинган компенсация суммасидан бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар тўлаш лозимми?***

**А.Авулқосимов,**
**«Авулқосим ота» ФХ раҳбари.**

– Ягона ер солиғи барча амалдаги умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига тўланади, бундан акциз солиғи ва товарлар (ишлар, хизматлар) импортига қўшилган қиймат солиғи мустасно. Қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси майдони ягона ер солиғи солиш объекти ҳисобланади *(МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 5 мартда 1102-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 6-банди).* **Фермер хўжалиги етказилган зарар учун олган пул компенсацияси солиқларга тортилмайди.**

Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар тўлаш объекти бўлиб сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми ҳисобланади. Иссиқхона қиймати ва бой берилган фойдани қоплаш ҳисобига олинган **пул компенсацияси** асосий фаолиятга оид **бошқа даромадларга киритилади** ва **ундан жамғармаларга ажратмалар тўланмайди.**

## ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАДА ВОСИТАЧИЛИК ҲАҚИНИ УНУТМАНГ

**?** ***Корхонамиз улгуржи савдо билан шуғулланади, шу жумладан воситачилик шартномалари бўйича ишлайди. Ҳар бир ойнинг охирида комиссионерларимиз товар сотилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар. Пул харидорлардан комиссионерлар ҳисобварағига келиб тушади, улар воситачилик ҳақи суммалари ушланганидан кейин қолган пулни ҳисоб-китоб рақамимизга ўтказадилар. Ҳисоботга кўра биз комиссионер номига ҳисобварақ-фактурани сотилган товарнинг тўлиқ суммасига ёзамиз, унга воситачилик (комиссия) бўйича фоизни ҳам киритамиз. Бироқ ҳамкорларимиз бундай ҳисобварақ-фактураларни қабул қилишдан бош тортиб, буни улар камроқ сумма ўтказишлари, бинобарин, ҳисобварақ-фактуралар ҳам камроқ суммага ёзилиши кераклиги билан асослайдилар.***

***Тушунтириб берсангиз, комитентга воситачилик шартномалари бўйича ҳисобварақ-фактуралар қандай қилиб тўғри расмийлаштирилиши керак?***

**Ирина Лебедева,**
**«TASH BEST» МЧЖ бош бухгалтери.**

– Сиз ҳисобварақ-фактураларни комиссионернинг тўлиқ қийматда сотилган товарлар тўғрисидаги ҳисоботига кўра, бунга воситачилик ҳақи суммаларини қўшиб, ёзиб тўғри қиляпсиз. Товар комитент сифатида сизга тегишли, шу сабабли сотишдан олинган пул маблағлари сизнинг мулкингиз ҳисобланади. Комитент комиссионерга воситачилик ҳақи суммасини ушлашга рухсат бериши мумкин. Бироқ бу ҳеч ҳам комитент товарни камроқ қийматга сотганлигини англатмайди. Воситачилик ҳақи суммаси – унинг сотиш харажатларидир, улар сотувлар қиймати билан қопланади. Шу сабабли комитент воситачилик ҳақи суммасига камайтирилган қийматга ҳисобварақ-фактура кўчирмасини талаб қилишга комиссионер ҳақли эмас.

## ҚАЙТА БАҲОЛАШ ОРТИҚЧА БЎЛМАЙДИ

**?** ***2006 йил октябрида фермер хўжалиги полиэтилен плёнка тайёрлаш учун қиймати 26000 минг сўмлик импорт ускунасини харид қилди. Асосий фаолиятга кўра у ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланади. Полиэтилен плёнка ишлаб чиқариш цехи бўйича ягона солиқ тўлови тўлаймиз. Жорий йилда ушбу ускунани қайта баҳолашимиз лозимми? Биз мол-мулк солиғи тўловчилари ҳисобланмаслигимиз боис асосий воситаларни уч йилда бир маротаба қайта баҳолашимиз мумкинми? Зеро ҳар қандай ҳолатда бизда солиқ оқибатлари вужудга келмайди.***

**Рустам,**
**фермер хўжалигининг раҳбари.**
**Тошкент вилояти.**

– 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг *(Макроиқтисодстат вазирлиги, МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* 4-бандига мувофиқ ташкилотлар мулкида, уларнинг хўжалик юритишида, тезкор бошқарувида ва узоқ муддатли ижарада (лизингда) бўлган, уларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ишлаб турган ва фойдаланилмайдиган, консервацияда бўлган, ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган барча асосий воситалар, шунингдек тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналар қайта баҳоланиши керак.

1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолаш олдинги қайта баҳолаш натижасида олинган объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан, йил давомида келиб тушган асосий фондлар бўйича эса – харид қилиш қийматидан амалга оширилади. Бундан **фермер хўжалиги ҳам ҳар йили қайта баҳолашни белгиланган муддатларда ўтказиши кераклиги келиб чиқади.**

Қайта баҳолашни ўтказаётганда асосий воситаларни қайта баҳолашда сиз танлаган усул кўрсатилган ҳисоб сиёсатингизга амал қилишингиз лозим. Агар унда индекс усули назарда тутилган бўлса, қайта баҳолаш 2007 йил 1 январь ҳолати бўйича қайта баҳолаш индекслари бўйича амалга оширилади. Бевосита усул танланганда у қайта баҳолашни ўтказиш даврида 1 январга келиб шаклланган баҳоланаётган объектларга ўхшаб, ҳужжатлар билан тасдиқланган янги объектларга доир бозор нархлари бўйича амалга оширилади.

Қайта баҳолашни ўтказмаслик ёки нотўғри ўтказишдан юзага келадиган солиқ оқибатларига келсак, улар асосий воситалар чиқиб кетганда, шунингдек асосий воситалар бошқа юридик ёки жисмоний шахсларга ижарага берилганида вужудга келиши мумкин, чунки ягона солиқ тўлови тўловчилари асосий воситаларни ижарага берганларида улар қийматидан мол-мулк солиғи тўлайдилар. Нотўғри қайта баҳолаш натижаси айни ундан ҳисоблаб чиқариладиган асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини бузиши мумкин.

***Муҳиддин ЗАЙНИДДИНОВ,***
***эксперт, Солиқ маслаҳатчилари палатасининг аъзоси.***

# ХУДДИ ШУНДАЙ!

## КОРПОРАТИВ МИЖОЗЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ТАКЛИФ!



# “БАЗОВЫЙ“

## тариф режаси

**Мижоз тўлови: 8.99$/ойига**
**Ҳар ой 300 дақиқагача имтиёзли лимит!***
**Корпоратив гуруҳ ичидаги барча қўнғироқлар – БЕПУЛ!****

PetraDesign

*Шартномадаги телефонлар миқдорига боғлиқ
**Шартномада бешта ёки ундан кўпроқ телефонлар бўлса.
Нархлар ЎзРМБнинг АҚШ долларига нисбатан қийматида кўрсатилган.
Барча солиқлар ҳисобга олинган.
Хизматлар лицензияга эга.

PerfectumMobile CDMA
Dreams Come True!

Тел.: (8598) 305-1111 www.cdma.uz

# БАҲОСИ ТЎҒРИСИДА КЕЛИШИБ ОЛАМИЗ

**?** ***Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ускуналарни капитал таъмирлаш ва созлашга шартномавий баҳолар иқтисодий жиҳатдан асосланган харажатлар ва мазкур ишларга бўлган талабдан келиб чиқиб белгиланади. Шу муносабат билан тушунтириб берсангиз, пудратчи тижорат таклифи сифатида буюртмачига юбориш учун ўз баҳономаларини ва баҳони аниқлаш услубиятини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш ҳуқуқига эгами?***

**АЖ бош директори.**

– Фуқаролик кодексининг 356-моддасига мувофиқ шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланади. Бироқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишларнинг муайян турларига тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга соладиган баҳолар (тарифлар, нархлар, ставкалар ва ҳоказо) қўлланилади.

ФК 354-моддаси шартнома тузиш эркинлиги қоидасини назарда тутади, бунда тарафлар шартнома тузишда ва унинг шартларини бир-бирлари билан келишиб олишда эркин бўлишлари тушунилади. Бу баҳо тўғрисидаги шартга ҳам татбиқ этилади. Ускунани капитал таъмирлаш ва созлаш пудрат шартномаси билан расмийлаштирилиши боис, ФК 636-моддасига кўра, тарафлар унда баҳо тўғрисидаги шарт ёки уни аниқлаш усулларини назарда тутадилар.

Бундан пудратчи ўз баҳономаларини ва баҳони аниқлаш услубиятини мустақил равишда ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш ва уларни буюртмачига юбориш **ҳуқуқига эгалиги** келиб чиқади. Агар буюртмачи қўйилган шартларга рози бўлса, шартнома тузилади. Агар буюртмачи белгиланган баҳоларга рози бўлмаса, ўз баҳоларини таклиф этади ва масала музокаралар йўли билан ҳал этилади. Бироқ агар қонун ҳужжатларида мазкур иш турларини пудратчи фақат ваколатли давлат органи томонидан белгиланган баҳоларда амалга ошира олиши назарда тутилган бўлса, юқорида кўрсатилган ишларнинг баҳосини эркин аниқлаш тўғрисидаги қоидалар қўлланмайди.

**Ада ЦОЙ,**
**эксперт-юрист.**
**«NОРМА» АҲТ эксперт юридик хизмати.**

# ЧЕГАРАНИНГ АҲАМИЯТИ ЙЎҚ

**?** ***Корхонамиз улгуржи савдо билан шуғулланади ва бунинг учун зарур барча лицензияларга эга. Биз хорижий компаниялардан кейин сотиш мақсадида биокимёвий лабораториялар учун кимёвий реактивлар ва ускуналар харид қиламиз. Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган МЧЖдан кейин қайта сотиш учун кимёвий реактивлар ва бошқа товарларни харид қилиш ҳуқуқига эгамизми ёки йўқми?***

**М.Геллер,**
**«ЦИТРОХРОМ» МЧЖ бош бухгалтери.**

– Юридик шахслар томонидан улгуржи савдони амалга ошириш тартиби Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом *(Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган)* билан бошқа мамлакатларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган корхоналардан **(чакана савдо корхоналари бундан мустасно)** харид қилишингиз мумкин. Харид тузилган шартномалар ва нақд пулсиз ўзаро ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади. N

# ИМТИЁЗИНГИЗ ТУГАГАН

**?** ***МЧЖ (ХХТУТ 83200) ягона солиқ тўловини тўлаб келади. Фаолиятнинг асосий тури – яшаш учун мўлжалланмаган жойларни ижарага бериш. Агар МЧЖ ташкил этилганидан буён икки йил ўтган ва янги барпо этилган корхоналарга бериладиган мол-мулк солиғи бўйича имтиёз даври тугаган бўлса, мол-мулк солиғини тўлашимиз керакми?***

**А.Ҳошимова,**
**МЧЖ бош бухгалтери.**

– Ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналар учун ижарага берилган асосий воситалар қийматидан мол-мулк солиғи бўйича **бошқа имтиёзлар назарда тутилмаган,** корхонангиз фойдаланиб бўлган имтиёз – рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб дастлабки икки йил мобайнида уни тўлашдан озод этиш бундан мустасно. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тўғрисида низомнинг *(МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 августда 1501-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* 6-бандига кўра сиз энди мол-мулк солиғини умумбелгиланган тартибда тўлашингиз керак. N

** 2007 йил 1 январдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўловчилар рўйхати кенгайтирилди (Президентнинг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон қарори). Шу муносабат билан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ушбу Низомнинг янги таҳрири ишлаб чиқиляпти.*

# СИЗНИНГ СТАВКАНГИЗ

**?** ***«INFO XIZMATI» МЧЖ web-сайтлар, компьютер модуллари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва бошқариш, яъни компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.***

***Президентнинг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-244-сон қарорига кўра фирмамиз 2006 йил 1 январдан бошлаб 5%лик ставка бўйича ягона солиқ тўловини тўлашга ўтган. Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг 80%дан кўпроғини ташкил этади.***

***Биз кўрсатаётган хизматларнинг жами ҳажмига 5%лик ставка бўйича солиқ солинадими?***

**Маргарита Каграманян,**
**«INFO XIZMATI» МЧЖ бош бухгалтери.**

– Агар компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (ишлар, хизматлар) сотилиши умумий ҳажмининг камида 80%ини ташкил этса, сиз кўрсатаётган хизматларнинг жами ҳажмига 5%лик ставка бўйича солиқ солинади. N

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NОРМА
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 144-89-25, 135-11-07
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Карши ш.: (99875) 227-18-11

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН «ТАШАББУС-2007» КЎРИК-ТАНЛОВИ

***Жорий йилнинг 22 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус-2007» кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш юзасидан кўрик-танлов Ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус-2007» кўрик-танлови уч босқичда ўтказилади:

**биринчи** (туман, шаҳар) босқичи – 1 февралдан бошланади;
**иккинчи** (вилоят) босқичи – февраль ойининг 2-ярми;
**учинчи** (республика) босқичи – март ойининг учинчи 10 кунлигида.

«Ташаббус-2007» кўрик-танловида юртимиз тадбиркор, фермер ва ҳунармандлари қуйидаги асосий йўналишлар (1-, 2-, 3-ўринлар) учун кураш олиб боришади:

- **«Энг яхши тадбиркор»;**
- **«Энг яхши фермер»;**
- **«Энг яхши ҳунарманд».**

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларида етарли кўрсаткичга эриша олмаганлар учун қуйидаги қўшимча номинациялар киритилди:

- **«Энг яхши тадбиркор аёл»;**
- **«Энг ёш тадбиркор»;**
- **«Энг мурувватли тадбиркор»;**
- **«Қишлоқларда турмуш маданиятини яхшилашдаги хизматлари учун».**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг вилоят ва республика босқичлари учун Ташкилий қўмита қуйидаги номинацияларни тасдиқлади:*

- **«Самарали корпоратив бошқарувни ташкил этган энг яхши хўжалик жамияти» махсус номинацияси;**
- **«Тадбиркорга кўрсатилган сифатли хизматлари учун»;**
- **«Энг яхши журналист»;**
- **«Энг яхши молия муассасаси».**

*Юқорида кўрсатиб ўтилган йўналиш ва номинациялар бўйича кўрик-танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг Ташкилий қўмиталари (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари)га 2007 йилнинг 29 январига қадар мурожаат қилишлари мумкин.*

**Қорақалпоғистон Республикаси**
Манзил: Нукус ш., А. Темур кўч., 112 а
Тел.: (998 612) 7707102 Факс: (998 612) 7707106 E-mail: qr@chamber.uz

**Самарқанд вилояти**
Манзил: Самарқанд ш., М.Улуғбек кўч., 148
Тел.: (998 662) 2101102 Факс: (998 662) 2101106 E-mail: sn@chamber.uz

**Андижон вилояти**
Манзил: Андижон ш., Навоий кўч., 122
Тел.: (998 742) 2981102 Факс: (998 742) 2981106 E-mail: an@chamber.uz

**Сирдарё вилояти**
Манзил: Гулистон ш., Мустақиллик кўч., 35 Тел.: (998 672) 2211102
Факс: (998 672) 2211106 E-mail: sr@chamber.uz

**Бухоро вилояти**
Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик кўч., 1а
Тел.: (998 652) 7701102 Факс: (998 652) 7701106 E-mail: bx@chamber.uz

**Сурхондарё вилояти**
Манзил: Термиз ш.,
Ф.Ходжаев кўч.,.14
Тел.: (998 762) 7708102 Факс: (998 762) 7708106 E-mail: sd@chamber.uz

**Жиззах вилояти**
Манзил: Жиззах ш., Ш.Рашидов кўч., 63
Тел.: (998 722) 7717102 Факс: (998 722) 7717106 E-mail: jz@chamber.uz

**Тошкент вилояти**
Манзил: Тошкент ш., Лисунов кўч., 68/4
Тел.: (998 71) 1509102 Факс: (998 71) 1509106 E-mail: tv@chamber.uz

**Қашқадарё вилояти**
Манзил: Қарши ш., Мустақиллик кўч., 3
Тел.: (998 752) 7711102 Факс: (998 752) 7711106 E-mail: qd@chamber.uz

**Фарғона вилояти**
Манзил: Фарғона ш., М.Қосимов кўч., 58
Тел.: (998 732) 2297102 Факс: (998 732) 2297106 E-mail: fa@chamber.uz

**Навоий вилояти**
Манзил: Навоий ш., Меъморлар кўч., 33
Тел.: (998 4362) 7703102 Факс: (998 4362) 7703106 E-mail: nv@chamber.uz

**Хоразм вилояти**
Манзил: Урганч ш., Хонқа кўч., 18«а»
Тел.: (998 362) 7705102 Факс: (998 362) 7705106 E-mail: xz@chamber.uz

**Наманган вилояти**
Манзил: Наманган ш., У.Носир кўч., 7
Тел.: (998 692) 2231102 Факс: (998 692) 2231106 E-mail: na@chamber.uz

**Тошкент шаҳри**
Манзил: Тошкент ш., Мовароуннаҳр кўч., 14
Тел.: (998 71) 1503102 Факс: (998 71) 1503106 E-mail: th@chamber.uz

Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, олий таълим муассасалари ва бошқа тегишли ташкилотларнинг таклифлари ўрганилган ҳолда, кўрик-танловнинг қуйидаги 13 номинацияси фақат республика босқичида ўтказилади.

- **«Энг яхши экспорт қилган ташкилот»;**
- **«Энг самарали лойиҳа»;**
- **«Бизнес-таълимот бўйича энг яхши ташкилот»;**
- **«Энг яхши дастурий маҳсулот»;**
- **«Талабалар томонидан татбиқ этилган энг яхши лойиҳа»;**
- **«Менинг юртим – менинг ифтихорим»;**
- **«Энг яхши инвестор»;**
- **«Энг яхши техник ёрдам лойиҳаси»;**
- **«Экологик тоза технологиялар учун»;**
- **«Энг яхши пахтакор фермер»;**
- **«Энг яхши ғаллакор фермер»;**
- **«Ташаббус кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказишда фаол иштирок этгани учун».**

Юқоридаги номинацияларда иштирок этиш бўйича таклифлар кўрик-танловнинг Ташкилий қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси)га 2007 йил 15 февралига қадар киритилиши мумкин.

Манзил: Тошкент ш., 700047, Бухоро кўч., 6. Телефон: +998 71 150 60 00, 150 60 09
Факс: +998 71 132 09 03 Web-site: www.chamber.uz E-mail: info@chamber.uz

***«ТАШАББУС-2007» кўрик-танлови Ташкилий қўмитаси тадбиркор, фермер ва ҳунармандларни ташаббусга чорлайди. Кўрик-танлов иштирокчиларига омад ёр бўлсин! Сизнинг ҳаракатингиз ила давлатимиз бой бўлсин!***
***Кўрик-танловга марҳамат! Омад ёр бўлсин!***

***Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус-2007» кўрик-танлови Ташкилий қўмитаси.***

# МОНТАЖ АМОРТИЗАЦИЯЛАНМАЙДИ

***Балансимизда асосий восита мавжуд. У бир йилдан бери монтажда бўлганлиги боис биз унга доир амортизацияни ҳисоблаб ёзмадик. Бироқ солиқ инспекциясида агар асосий восита ярим йилдан кўп вақтдан бери монтажда бўлса, унга йиллик 7% миқдорида амортизация ҳисоблаб ёзиш керак деб айтишди. Улар ҳақлими?***

– Йўқ, ҳақли эмаслар. **Монтажда бўлган ускунага амортизация ҳисоблаб ёзилмаслиги керак.** Ускуна бўйича амортизацияни ҳисоблаб ёзиш уни фойдаланишга топширгандан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади *(1996 йил 30 августдаги 279-I-сон «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси).*

Монтажни талаб қиладиган ускунани 0710-0720-«Ўрнатиладиган ускуна» ҳисобварағида ҳисобга олиш керак. 0710-0720-ҳисобварақнинг дебетида хариднинг ҳақиқий таннархи ҳисобга олинади. Монтажга топширилган ускунанинг қиймати ва монтаж бўйича харажатлар 0710-0720-ҳисобварақлардан 0820-«Асосий воситаларни харид қилиш» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади. Ускунани фойдаланишга топшириш 0100-гуруҳ асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича 0820-ҳисобварақ кредити билан корреспонденцияда акс эттирилади.

# ИШ ҲАҚИНИ – ТЎЛАЛИГИЧА, ПЕНСИЯНИ – ТАРТИБГА КЎРА

***Корхонамиз (масъулияти чекланган жамият) ходими кексалик пенсиясига чиқди, ишдан бўшади, меҳнат дафтарчасини ижтимоий таъминот бўлимига топширди. Бироқ МЧЖ муассиси бўлганлиги боис Кузатув кенгашининг раиси этиб сайланди. Ушбу мажбуриятларни бажараётганлиги учун муассисларнинг умумий йиғилиши қарори билан унга ойлик ҳақ ҳисоблаб ёзилади. Шу муносабат билан унга ҳақ қанча миқдорда – 100% ёки 50% миқдорида ҳисоблаб ёзилиши ва ундан даромад солиғи қандай ушланиши кераклигини билмоқчи эдим.***

***Гап шундаки, пенсияга чиққан ва ишлашни давом эттираётган пенсионерлар ижтимоий таъминот бўлимидан пенсия миқдори 50 ёки 100% лиги тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар. Шунга қараб иш ҳақи 100 ёки 50% миқдорида ҳисоблаб ёзилади.***

**А.Хуррамов,**
**«Электртаъмир» МЧЖ бош бухгалтери.**

– Кузатув кенгашида ишлаганлик учун ҳақ миқдори олинаётган пенсияга боғлиқ эмас. У тўлиқ ҳажмда ҳисоблаб ёзилади ҳамда умумбелгиланган тартибда жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиққа тортилади.

Лекин ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлашнинг алоҳида тартиби мавжудлигини эътиборда тутиш лозим. Меҳнат шартномаси бўйича календарь йил давомида **икки ойга қадар** муддатда вақтинча ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлиқ ҳажмда тўланади. Бунда пенсионер ушбу ойларда сурункали ёки танаффус билан ишлаганлигининг аҳамияти йўқ.

**Икки ойдан кўп** муддат ишлаётган пенсионерларга пенсия қуйидаги миқдорларда тўланади:

**100%:**

– Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларига (уларга тенглаштирилган шахсларга), Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларни бажарган ёки фронт ортида ишлаган шахсларга, I ва II гуруҳ ногиронларига, шунингдек Чернобиль фалокати оқибатида азият чеккан шахсларга;

– фуқаролар ва маҳаллалар йиғинларининг раисларига;

– кексалик пенсиясига чиққанидан кейин ногирон болалар учун интернат-уйларда, Меҳрибонлик уйларида ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ҳамда кўрсатилган ихтисосликлар бўйича пенсияга чиқиш олдидан камида 10 йиллик стажга эга бўлган ишлаётган аёлларга;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишлаётган пенсионер аёлларга;

– оиланинг бошқа аъзолари (васийликдаги)га боқувчисини йўқотганлик боис пенсия оладиган ишлаётган фуқаролар (васийлар)га.

– 50%:

– қолган барча пенсионерларга *(Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 декабрда 198-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби).*




# ХАЙРИЯГА ДОИР ХИЗМАТЛАР

***2006 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилган спорт клубимиз (ХХТУТ коди 91700) болаларга спорт хизматлари (дзюдо бўйича спорт секцияси, етим болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун спорт-соғломлаштириш секцияси) кўрсатади.***

***Биз Президентнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-325-сон қарори билан берилган имтиёзлардан фойдаланамизми, яъни ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинамизми? Агар бундай ҳуқуқимиз бор бўлса, ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этиш клубимизни ривожлантиришга олинган текин молиявий ёрдамга тааллуқли бўладими?***

***Агар биз ҳар ойда шуғулланаётган болаларнинг тасдиқланган рўйхатлари бўйича мунтазам машғулотлар олиб бораётган бўлсак, клубнинг болалар уйи тарбияланувчиларини бепул ўргатиш бўйича хайрия фаолиятини проводкаларда (агар бу зарур бўлса) қандай акс эттириш лозим? Хайрия фаолиятига тааллуқли бирор-бир имтиёзлар мавжудми?***

**И.Бутько,**
**спорт клубининг бош бухгалтери.**

– Ҳа, сиз ЎзР Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон қарори билан тасдиқланган имтиёздан фойдаланишга ҳақлисиз. Болалар спорт муассасалари ва секцияларининг хизматлари имтиёз *(қарорга 4-илова 3-бандининг «в» кичик банди)* – 2009 йил 1 апрелига қадар **хизматларнинг, шу жумладан бепул кўрсатилган хизматларнинг ҳам реализациясидан олинган тушум қисмида ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилиш** татбиқ этиладиган хизматлар рўйхатига киритилган. Бунда имтиёзларни қўллаш мақсадида болалар спорт муассасалари ва секциялари бўлиб болалар ва ўсмирларнинг спорт жамиятлари ва клублари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари, шунингдек спорт муассасалари қошидаги 12 ёшгача бўлган болалар ҳамда 12 дан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар учун секциялар ҳисобланади *(МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 17 июлда 1594-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган*



*Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида низомнинг 15-банди).*

Ягона солиқ тўловини тўлашдан фақат хизматларнинг мазкур турини кўрсатишдан олинган даромадлар озод этилади. Клуб олган **молиявий ёрдам ялпи тушумга киритилади** ва белгиланган тартибда **солиққа тортилиши керак** *(МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 августда 1501-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тўғрисида низомнинг 11-банди).*

| *Текинга хизматлар кўрсатиш* | | |
|---|---|---|
| | *дебет* | *кредит* |
| Кўрсатилган хизматлар таннархи ҳисобдан чиқарилган | 9130-"Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи" | 2010-"Асосий ишлаб чиқариш" |
| Хизматлар кўрсатиш акс эттирилади | 4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар" | 9030-"Ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишдан даромадлар" |
| Текинга хизматлар кўрсатишдан зарарлар акс эттирилади | 9430-"Бошқа операцион харажатлар" | 4010-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар" |

*Ноанъанавий саволлар*

# ЎЗ ОДАМЛАРИ ОРАСИДА БЕГОНА

***Сиз билан бирга freelance қоидаси бўйича ишлайдиган муаммоли ходимни қандай бошқариш мумкин?***

– Штатдан ташқари ходимлар билан ишлаш тажрибаси шуни кўрсатадики, агар киши дарҳол ишлаш хоҳишини билдирмаса, кўпчилик ҳолларда унга вақт сарфламай янгисини топган яхшироқ. Шунга қарамай баъзи чораларни кўриш ҳам мумкин. Аввало ходимга унинг ишининг шахсан сизга ва бутун корхона учун катта аҳамияти борлигини тушунтириш лозим (ҳатто аслида бундай бўлмаса ҳам). Кўпинча бундай фрилансерларнинг масъулиятсизлиги айни бундай ходимлар масъулиятни ҳис этмаслик қандай оқибатларга олиб келишини тушунмаслиги билан боғлиқдир. Сизнинг фирмангиздаги иш ходим учун даромаднинг муҳим манбаи бўлмаслиги мумкин ва уни қўл учида бажаради. Шу сабабли у бажарадиган иш ҳажмини кескин кўпайтириш инсонга баъзан ишга жон-жаҳд билан киришиш имконини беради ва у ишга бўлган ўз муносабатини ўзгартиради. Агар у кишига штатдаги ишга қабул қилишда у асосий номзод экани айтилса, у бўлажак пулдан манфаатдор бўлса, бу ҳам рағбат омили бўлиши мумкин.

Навбатдаги мумкин бўлган қадам – бундай ходимга захира билан муддат беришдир. Ишни барбод қилган тақдирда шу иш учун бошқа ижрочига ҳақ тўлаш лозим. Буни: «биз учун бу лойиҳа жуда муҳим, биз таваккал қилиб ўтирмадик, лекин ишнинг шошилинчлиги боис бошқа ходимга қўшимча ҳақ тўлашга тўғри келди», деб далил келтирилади. Тарбиявий жиҳатдан олганда фойдани қўлдан чиқариш баъзилар учун яхшигина дарс бўлади.

Ниҳоят, фрилансер унинг «жасорати» тўғрисидаги хабар ўзи панд берган фирмадан ташқарига чиқиши мумкинлигини ҳам билиши лозим. Ҳамма бир-бирини танийдиган тор бозорда (бундай бозорлар кўпчиликни ташкил этади) бадном бўлган ходимнинг номи тез тарқалади. Бир кун келиб, бу кишида навбатдаги иш берувчини излаш муаммоси пайдо бўлиши шубҳасиз.

# ИШОНМАГИН ДЎСТИНГГА...

***Ходимлардан бирортаси ишдан кетганда махфий ахборот юзага чиқишининг олдини қандай олса бўлади?***

– Аввало тижорат сирини ташкил қилиши мумкин бўлган маълумотлар рўйхатини тузиш лозим. Махфий ҳужжатлар ва маълумотлар рўйхати компаниянгиз раҳбарининг буйруғи билан белгилаб қўйилиши керак. Махфий ахборотдан фойдаланадиган ходимни ишга қабул қилиш чоғида уларни ошкор қилмаслик тўғрисидаги шартномани имзолайди. Юридик дастаклардан ташқари кўпгина технологик дастаклар ҳам мавжуд. Маълумотлар базасини бузиш ёки ўғирлашдан муҳофаза қилишга қодир кўп дастурлар мавжуд. Лекин бошқа йўли ҳам бор. Хавфсизликнинг ўз тизимини ишлаб чиқиш мумкин. Масалан, умумий базадан фойдаланишга камдан-кам мижозларга рухсат этиш лозим. Сотув бўйича менежерлар фақат ўз буюртмачилари билан ишлашади. Дастур қуйидаги баённомани олиб боради: ким, қайси компьютер орқали ва қачон базага киргани, қайси файллар очилгани ва нималар ўқилгани қайд этилади. Баъзи туйнукларда ходимлар почтаси текширилади, флэш-карталар учун дисководлар ва разъёмлар тўхтатиб қўйилади, менежерларини «сирли сотувчи» – ўзи эгалик қилаётган ахборот учун яхшигина пул таклиф қилаётган виртуал мижоз текширади.

Лекин ҳар қандай қулфга калит топилади, дейишади. Шу сабабли энг муҳими – ходимларда компанияга хайрихоҳликни тарбиялашдир.

***Бизнесда муаммога дуч келдингизми? Марҳамат, саволларингизни normapress@mail.ru манзилига юборинг, биз ўз тажрибамизга ва етакчи маслаҳатчиларнинг иш тажрибасига таяниб, ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай, бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан хоҳишингизга қараб фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. «Норма маслаҳатчи» шу рукн остида эълон қилинган тавсияларга асосланиб, қилган ҳаракатларингиз учун жавоб бермайди.***

# ТЎЛОВ – ЯГОНА, СТАВКАЛАР – ТУРЛИЧА

***«Махсусбутлашгаз» ОАЖ фаолиятининг асосий тури моддий-техника таъминоти ва сотиш ҳисобланади (ХХТУТ 80400). Унга кўра биз 30%лик ставка бўйича ягона солиқ тўлаймиз, чунки ишловчиларнинг ўртача йиллик миқдори 20 кишидан иборат. Асосий фаолиятдан ташқари, қуйидаги хизматларни амалга оширамиз:***

***– қўшма фаолият доирасида омборимизда божхона юкларини сақлашга доир хизматлар;***

***– товар-моддий бойликларни масъулиятли сақлашга доир хизматлар;***

***– темир йўл шохобчасидан фойдаланишга доир хизматлар кўрсатиш.***

***Ягона солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низом (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2006 йил 5 июлда 1590-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)нинг 17-бандига кўра, агар мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган тўловчилар, харид, таъминот-сотиш, брокерлик фаолияти, воситачилик шартномаси бўйича хизматлар кўрсатиш билан бир қаторда, бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритишлари ва солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси учун қонунда назарда тутилган тегишли солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни тўлашлари шарт.***

***Тушунтириб берсангиз, биз фаолиятнинг асосий тури бўйича ягона солиқ ва бошқа фаолият турлари бўйича ягона солиқ тўлови тўлашимиз мумкинми?***

– Ҳақиқатан ҳам, 2006 йилда ягона солиқ тўловчи, фаолиятнинг бир неча турларини амалга оширувчи корхоналар ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда қонунда назарда тутилган тегишли солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни тўлашлари керак эди. Шу сабабли ўтган йили корхонангиз санаб ўтилган хизматлар бўйича 13%лик ставка бўйича ягона солиқ тўлови, фаолиятнинг асосий тури бўйича эса 30%лик ставка бўйича ягона солиқ тўлашга ҳақли эди.

**2007 йилдан бошлаб моддий-техника таъминоти билан шуғулланадиган ҳамда микрофирмалар ва кичик корхоналарга кирадиган корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтказилган** *(Президентнинг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон қарори 6-банди).* Бунда фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритилиши керак, чунки улар бўйича солиқ солишнинг турли объектлари ва солиқ ставкалари назарда тутилган *(Президентнинг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон қарорига 23-илова):*

– таъминот фаолияти бўйича – ялпи даромаддан 33%;

– юқорида саналган хизматлар бўйича – ялпи тушумдан 10%.

# АРХИВ РЎЙХАТДА ҚАЙД ЭТИЛМАГАН

***Савдо-саноат палатасининг марказий архиви 2002 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикасида бизнеснинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи акс этган корхона ҳужжатларини марказлаштирилган тартибда сақлаш ҳамда тизимлаштиришни таъминлаш учун ташкил этилган.***

***Тушунтириб берсангиз, архив хизматлари Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида низомга кўра* солиқ имтиёзлари татбиқ этиладиган хизматлар рўйхатига кирадими?***

**А.Ҳошимов,**
**директор.**



– Айрим хизмат турларига доир имтиёзлар (2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилиш) Президентнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-325-сон қарори билан белгиланган. *Улар фақат мазкур қарорнинг 4-иловасида келтирилган рўйхат бўйича хизматлар кўрсатадиган юридик* шахсларгагина татбиқ этилади. Ушбу рўйхатда ҳужжатларни сақлаш бўйича хизматлар **кўрсатилмаган.** Шу сабабли корхонангиз мазкур имтиёздан фойдаланмаслиги керак.

**МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 17 июлда 1594-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

# СОЛИҚ ТЎЛАГАНИНГИЗ ЯХШИ

***МЧЖ чакана савдо билан шуғулланади, ялпи даромаддан солиқ ва мол-мулк солиғи тўлайди. Асосий воситалар сотилаётганида солиқ солиш тартибини тушунтириб берсангиз. Улар қолдиқ қийматидан паст нархда сотилган. Пенсия жамғармасига 0,7% миқдорида ажратмалар тўланган, бошқа ҳеч қандай ажратмалар ва солиқлар тўланмаган.***

***Резерв капиталга киритилган, сотилган асосий воситалар бўйича 2004-2005 йиллардаги қайта баҳолаш ялпи даромад солиғига тортилиши керакми? Бундан ташқари яна қандайдир солиқлар ва ажратмалар тўлашимиз керакми?***



– Асосий воситалар 2007 йил 1 январгача сотилганида ялпи даромад солиғи солинадиган базага сотишдан олинган даромад киритилган *(МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 21 июлда 1260-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 7-банди).*

Асосий воситаларни сотишдан олинган молиявий натижа (фойда ёки зарар), қўшилган қиймат солиғи билан мазкур объектни сотиш харажатлари ҳисобга олинган ҳолда, сотувдан тушган тушум ва сотилаётган асосий воситаларнинг қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги, **резерв капитални ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаларига (сальдога),** яъни аввалги қўшимча баҳолаш суммаларининг асосий воситалар ушбу объектини аввалги арзонлаштиришлар суммасидан ошишига **тузатилган** фарқ сифатида белгиланади *(МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Асосий воситаларни балансдан ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида низомнинг 24-банди).*

***Мисол.** Асосий воситанинг қолдиқ қиймати – 200 минг сўм, қайта баҳолаш сальдоси (8510-ҳисобварақнинг кредит сальдоси) – 60 минг сўм, сотиш қиймати – 180 минг сўм. Сотишдан олинган фойда 40 минг сўмни (180 – 200 + 60) ташкил этади. Мазкур сумма (40 минг сўм) ялпи даромад солиғини ҳисоблаётганда солиқ солинадиган базага киритилиши керак.*

Асосий воситалар сотилишидан олинган даромадлар корхонанинг бошқа даромадларига киритилиши боис улар Пенсия, Йўл ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаларига ажратмалар объекти бўлиб ҳисобланмаган.

2007 йил 1 январдан бошлаб савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, Президентнинг 2006 йил 8 июндаги "Ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" ПҚ-374-сон қарорида назарда тутилган солиқ солиш тартиби сақланадиган Савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий базалари бундан мустасно, ягона солиқ тўловини тўлашга ўтказилади.

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими

АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 144-89-25, 135-11-07
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Карши.: (99875) 227-18-11

*Ноанъанавий савол*

# МАҚБУЛЛАШТИРИШМИ ЁКИ БЎЙИН ТОВЛАШМИ?

***Россиянинг ихтисослашган матбуотида солиқларни қандай қилиб мақбуллаштириш тўғрисида тез-тез маслаҳатлар босилади. Бизда мақбуллаштиришни қўллаш мумкинми? Агар мумкин бўлса, уни қандай қилиб амалга оширса бўлади?***

– Солиқларни мақбуллаштириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш икки хил тушунчадир. Лекин уларнинг ўртасидаги фарқ жуда оз. Ана шу фарқни билиш эса жуда муҳимдир. Чунки солиқ тўлашдан бўйин товлаган фирмага жарима солишлари, унинг раҳбари ёки бош бухгалтерини жавобгарликка тортишлари мумкин. Солиқ тўғри мақбуллаштирилганда на фирмага, на унинг раҳбари ёки бош бухгалтерига ҳеч нарса хавф солмайди.

Солиқларни турли йўллар билан мақбуллаштириш мумкин. Тўғри тузилган ҳисоб сиёсати, шериклар билан тузилган шартномалар ёрдамида, солиқ тўғрисидаги қонунда назарда тутилган имтиёзларни қўллаб, шунингдек қонунлардаги илинж туғдирувчи ҳоллардан фойдаланиш орқали. Мақбуллаштиришнинг ноқонуний усулларидан фойдаланишни солиқ тўлашдан бўйин товлаш деб ҳисоблашади. Бу ҳол бирор солиқ бўйича (кўпроқ фойда, мол-мулк солиғи ва ҚҚС бўйича) солиққа тортиладиган базанинг ноқонуний тарзда камайиб кетишига олиб келади. Солиқ базасига ҳисоблаб ёзилган солиқлар суммаси одатдагидан анча кам бўлади. Пировардида ташкилот солиқ инспекциясига атайлаб қилинган нотўғри солиқ ҳисоб-китобини топширади.

Солиқларни тўлашдан бўйин товлашда гумон қилинишдан қандай қутулиш мумкин? Солиққа тортишни мақбуллаштираётганда Солиқ кодексидаги ўзгартишларни ва суд амалиётини диққат билан кузатиш муҳимдир, бунда мақбуллаштиришнинг ҳар қандай чизмасида уни ноқонуний деб топиш хавфи борлигини унутмаслик лозим.

Хуллас, ҳаммасини пухта ўйлаб кўриб, солиқни камайтиришнинг бирор чизмасини қўллашга қарор қилдингиз. Ўзингизни ва фирмани қандай қилиб хавф-хатардан имкони борича холи қилиш мумкин? Бир неча усулни тавсия қиламиз.

Ўз туманингиз солиқ инспекциясига мурожаат қилинг. Ҳар қандай баҳсли вазият бўйича фирма солиқ органларига ёзма сўровлар юбориши мумкин. Жавоб олганингиздан сўнг унинг тавсияларидан фойдаланасиз. Солиқ инспекциясидан сизга ёзма жавоб беришлари керак. Унга солиқ тўловчиларга тушунтиришлар бериш мажбуриятига эга бўлган ваколатли шахс (масалан, солиқ инспекциясининг бошлиғи) имзо чекади. Жавоб сўров юборилган операция амалга оширилишидан олдин келгани муҳимдир. Агар тушунтириш кейинроқ келса, фирма тавсияларга кўра ҳаракат қилганини ва айбдор эмаслигини исботлай олмайди.

Бу эса назорат қилувчи органнинг аниқ фикрини тўғридан-тўғри билиб олишга имкон берадиган энг осон ва бунинг устига текин усулдир. Лекин унинг салбий томонлари ҳам бор. Тўла-тўкис ва сизга мақбул бўладиган ахборотли жавоб олиш жуда қийин. Баъзан солиқ ходимлари Солиқ кодекси моддаларини эслатиш билан чекланишади.

Четдан ёрдам. Аудиторлик ёки консалтинг компаниясига мурожаат қилиб экспертларнинг ёзма фикрини олиш мумкин. Одатда улар ўз маслаҳатларида баҳсли масала юзасидан барча нуқтаи назарларни, шу жумладан солиқ ходимларининг позициясини келтирадилар. Бундан ташқари, аудиторнинг ёзма жавоби мавжудлиги ўз масъулиятини муҳофаза қилишнинг яхши усулидир. Зеро ушбу ҳужжат компания раҳбари ҳақиқатан ҳам қонун доирасида иш тутишга ҳаракат қилганини исботлайди. Усулнинг салбий томони – қолган хатарлар (қўшимча ҳисоблаб ёзиш, пеня ва жарима) қолаверади. Бундан ташқари, ихтисослашган фирмаларнинг малакали маслаҳатини олишга баъзи фирмаларнинг қурби етмайди.

***Маслаҳатларни эксперт,***
***Солиқ маслаҳатчилари палатасининг аъзоси***
***Муҳиддин ЗАЙНИДДИНОВ***
***тайёрлади.***

***Бизнесда муаммога дуч келдингизми? Марҳамат, саволларингизни normapress@mail.ru манзилига юборинг, биз ўз тажрибамизга ва етакчи маслаҳатчиларнинг иш тажрибасига таяниб, ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай, бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан хоҳишингизга қараб фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. «Норма маслаҳатчи» шу рукн остида эълон қилинган тавсияларга асосланиб, қилган ҳаракатларингиз учун жавоб бермайди.***

# СОВУН МОЖАРОСИ

## ИШНИНГ МОҲИЯТИ

***2005 йил апрель-июлда ҚК тузилган импорт шартномаларига кўра Ўзбекистонга истеъмол товарлари туркумини (атир совун, кир ювиш воситалари, зайтун мойи, резинка сақич, ўсимлик ёғи ва ҳоказо) олиб келди. Улар олиб кирилаётганда божхона органи акциз солиғи тўлашни талаб қилди. Корхона уни тўлади. Бироқ, ҚК давлат органининг ҳаракатларини асоссиз деб ҳисоблаб, даъво аризаси билан судга мурожаат қилди. Биринчи инстанция суди арз қилинган талабларни қаноатлантирди ва давлат органини тўланган божхона тўлови суммаларини қайтаришга мажбур қилди. Ушбу ҳал қилув қарорига қўшилмаган божхона органи кассация шикояти билан Олий хўжалик судига мурожаат қилди.***

## ҚЎШМА КОРХОНАНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

1997 йилда ҚК хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона сифатида рўйхатдан ўтказилган. Уни барпо этиш пайтида (1997 йилда) у 2005 йилда олиб кирган товарлар акциз солиғига тортилмаган, бундан резинка сақич мустасно. Бундан ташқари, резинка сақичга акциз ставкаси ушбу даврда 20 фоиздан 70 фоизга ошган.

1998 йил 30 апрелдаги 611-I-сон «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонун 3-моддасининг тўртинчи қисмига кўра агар кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилади.

## БОЖХОНА ОРГАНИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

611-I-сон Қонун 3-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган кафолатлар чет эллик инвесторларга татбиқ этилади. ҚК хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ҳисобланади. Бинобарин, у мазкур имтиёзни қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

## СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати тарафларнинг тушунтиришларини, прокурор фикрини тинглаб, кассация шикоятининг важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

– 1997 йилда ҚК Адлия вазирлиги томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона сифатида рўйхатдан ўтказилган;

– Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 декабрдаги 469-сон қарорига 14-2-сон иловада корхонани барпо этиш пайтида акциз солиғига тортиладиган товарлар рўйхати белгиланган, ундан 2005 йилда даъвогар олиб кирган товарлар (резинка сақичдан ташқари) акциз солиғига тортилмаслиги келиб чиқади;

– ҚК барпо этилган пайтда резинка сақич 20 фоизлик ставка бўйича акциз солиғига тортилган.

Кассация ҳайъати қонун ҳужжатларининг қоидаларини таҳлил қилиб, қарор қилди:

– 611-I-сон Қонун 3-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган кафолатлар, агар кейинги божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари томонидан бекор қилинган имтиёзлар ҚК давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда мавжуд бўлган бўлса ёки корхона кейинги қонун ҳужжатлари билан жорий этилган тўловлардан озод этилган бўлса, қўлланиши керак. Кўрсатилган кафолат ҚК давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 10 йил мобайнида қўлланиши лозим;

– илгари солиқларга, хусусан акциз солиғига тортилмаган товарларга доир имтиёзларни бекор қилиш ҳамда янги солиқлар, шу жумладан акциз солиғини жорий этиш уларни тўловчилар зиммасидаги ялпи босимни – бюджетга мажбурий тўловларнинг жами миқдорини кўпайтиради;

– Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисида йўриқнома *(Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 14 июлда 947-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*нинг 2.4-бандига кўра божхона тўловлари суммалари уларни тўлаган ёки пул маблағлари сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилган тўловчиларгагина қайтарилади.

Юқорида баён этилганлар асосида, Хўжалик процессуал кодексининг 187, 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз, кассация шикоятини эса қаноатлантиришсиз қолдирди.




## ШАРҲ

*1998 йил 30 апрелдаги 609-I-сон «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин – Қонун) 6-моддасининг иккинчи қисмида белгиланишича, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади.*

*Қонуннинг 4-моддасига кўра Ўзбекистон ҳудудида* ***чет эллик инвесторлар*** *қуйидагилар бўлиши мумкин:*

*– чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;*

*– давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;*

*– чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;*

*– чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.*

*Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида* ***инвестицияларни*** *қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:*

*– Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;*

*– чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;*

*– мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;*

*– интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш;*

*– концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;*

*– савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига, улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда, мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали.*

*Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш чет эл инвестицияларини амалга ошириш шаклларидан бири ҳисобланади. Уларни барпо этган чет эллик инвесторлар уларга қонун ҳужжатлари берадиган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланадилар.*

*Корхона барпо этилган пайтда (1997 йил) қонун ҳужжатларида қуйидагилар назарда тутилган эди:*

*– 611-сон Қонун 3-моддасининг тўртинчи қисмида (ўшанда амал қилган таҳрирда): «агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда* ***чет эл инвестицияларига*** *нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилади»;*

*– Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 декабрдаги 469-сон қарорига 14-2-иловада Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарга акциз солиғи ставкалари белгиланган. Хусусан, резинка сақичга 20 фоизлик ставкада солиқ солинган. Акцизли товарлар рўйхатига атир совун, кир ювиш воситалари, зайтун мойи ва ўсимлик ёғи кирмаган;*

*– қонун ҳужжатларида инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирадиган шарт-шароитларга киритиш мумкин бўлган шарт-шароитлар рўйхати мавжуд бўлмаган.*

*Шу тариқа, Қонунда назарда тутилган кафолат чет эл инвестицияларига татбиқ этилган, корхона олиб кирган товарлардан фақат резинка сақич акцизли товарларга киритилган.*

*2005 йилда товар олиб кириш пайтида қонун ҳужжатларида қуйидагилар назарда тутилган эди:*

*– 611-сон Қонун 3-моддасининг тўртинчи қисми (2005 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-6-сон Қонун таҳририда): «агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса,* ***чет эллик инвесторларга*** *нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилади»;*

*– Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 567-сон қарори билан корхона олиб кирган атир совун, кир ювиш воситалари, зайтун мойи ва бошқа истеъмол товарларига акциз солиғи жорий этилган, шунингдек резинка сақичга акциз солиғи ставкаси 70 фоизга оширилган;*

*– 611-сон Қонун 3-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган имтиёзни қўллаш Президентнинг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3594-сон Фармони билан тартибга солинади, унда инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирадиган шарт-шароитлар саналган.*

*Бунга шуни қўшимча қилиш лозимки, бугунги кунда бу масала Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасидаги тўртинчи қисмида белгиланган кафолатларни қўллаш тартиби тўғрисида низом (бундан кейин – Низом) меъёрлари билан ҳам тартибга солинади. Унинг 2-бандида назарда тутилишича, кейинги қонун ҳужжатлари муносабати билан инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда инвестициялаш пайтида амал қилган қонун ҳужжатларини ўн йил мобайнида қўллаш тўғрисидаги кафолат:*

*– чет эллик инвесторга тўланадиган дивидендлар шаклида олинадиган даромадга солинадиган солиқ миқдори (ставкалар) кўпайиши;*

*– чет эллик инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромади (фойдаси)ни репатриация қилиш тартиб-қоидасини мураккаблаштирадиган ёки унинг миқдорини камайтирадиган қўшимча талаблар жорий этилиши, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона тўлов қобилиятига эга бўлмаганда ва банкротга учраганда ёки кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, чет эллик инвестор – жисмоний шахс томонидан содир этилган жиноий қилмиш ёки маъмурий ҳуқуқни бузишлар ёхуд суд ёки ҳакамлик қарорига мувофиқ бундай репатриацияни тўхтатиб туриш зарурияти ҳолларида камситмасдан қонун ҳужжатларини қўллаш шартларида чет эллик инвесторнинг маблағларини репатриация қилиш давлат томонидан тўхтатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно;*

*– инвестициялашни амалга ошириш ҳажмларига миқдорий чеклашлар ва инвестициялар миқдори бўйича, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда чет эл инвестицияларининг энг кам миқдорини кўпайтириш шаклидаги бошқа қўшимча чора-тадбирлар жорий этилиши;*

*– республика корхоналарининг устав фондларида чет эллик инвесторнинг улушли қатнашиши бўйича чеклашлар жорий этилиши;*

*– чет эллик инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва муддатини узайтиришнинг қўшимча тартиб-қоидалари, шунингдек чет эл инвестицияларини амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилиши ҳолларида қўлланади.*

*Шуни назарда тутиш лозимки,* ***инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирадиган айтилган ҳоллар қўшма корхоналарнинг эмас, балки чет эллик инвесторларнинг фаолиятига тааллуқлидир.*** *Бироқ агар солиқ ставкасининг оширилиши ва (ёки) янги солиқнинг жорий этилиши қўшма корхона учун, бошқа ўзгармас шарт-шароитлар мавжудлигида, унинг чет эллик инвесторлари даромади (фойдаси) миқдорининг камайишига олиб келиши исботланса, ҚКда юқорида кўрсатилган кафолатдан фойдаланиш учун асос пайдо бўлади.*

*Низомнинг 5-бандига кўра инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашишининг ҳар қандай тури бошланган тақдирда чет эллик инвестор тегишли ваколатли органни кафолат қўлланиши тўғрисида хабардор қилади. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган давлат ташкилотлари, республика Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда хизмат кўрсатувчи банклар ана шундай органлар ҳисобланади.*

*Юқорида кўрсатилган кафолат қўлланаётганда шуни эътиборда тутиш лозимки, унинг амал қилиши (Низомнинг 4-банди):*

*– корхона ташкил этилганда – корхона давлат рўйхатидан ўтказилган санадан;*

*– мол-мулк, улушлар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмитация қилинган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олинганда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига, улар жойлашган ер участкалари билан турар жой биноларига мулкчилик ҳуқуқи, шунингдек ерга ва табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи (шу жумладан ижара асосида) мулкчилик ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни мустаҳкамлайдиган ҳужжат кучга кирган санадан;*

*– интеллектуал мулкка ҳуқуқлар қўшилганда, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хау, шунингдек амалий обрў (гудвилл) ҳам шу жумлага киради – интеллектуал мулкка ҳуқуқлар қўшилишини тасдиқловчи ҳужжат кучга кирган санадан;*

*– концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни разведка қилиш, қазиш, қазиб чиқариш ёхуд фойдаланишга концессиялар сотиб олинганда – концессия шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган санадан;*

*– инвестиция мажбуриятлари чет эллик инвестор ТИАИСВ билан тузадиган инвестиция шартномасида бир вақтнинг ўзида мустаҳкамланадиган инвестициялашда – шартнома кучга кирган санадан;*

*– Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шакллардаги инвестициялашда – чет эллик инвестор томонидан республика ҳудудида инвестиция фаолияти амалга оширилишини тасдиқлайдиган ҳужжат кучга кирган санадан бошланади.*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

- "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида".

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

- "Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида".

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

## «МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 3-сон, 21-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **97-модданинг иккинчи қисмидаги** «розилиги» деган сўз «рухсати» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **1031-модда 1-бандининг:**

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари»;

**тўртинчи хатбошиси** «электрон ҳисоблаш машиналари» деган сўзлардан кейин «(бундан буён матнда ЭҲМ деб юритилади)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **1034-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «розилиги» деган сўз «рухсати» деган сўз билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мутлақ ҳуқуқларни чеклаш бундай чеклаш интеллектуал мулк объектидан нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказмаган ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади»;

4) **1041-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«1041-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объекти**

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи қуйидаги бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади:

ёзма (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзув ва ҳоказо);

оғзаки (омма олдида сўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳоказо);

овозли ёки видео ёзув (механик, магнитли, рақамли, оптик ва ҳоказо);

тасвир (расм, эскиз, манзара, тарҳ, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва ҳоказо);

ҳажмли-фазовий (ҳайкал, модель, макет, иншоот ва ҳоказо);

бошқа шакллардаги.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, принциплар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга эмас, балки ифода шаклига нисбатан татбиқ этилади»;

5) **1042-модданинг еттинчи хатбошисидаги** «(кино-, теле- ва видеофильмлар, слайдфильмлар, диафильмлар ва бошқа хил кино-, теле- ҳамда видео асарлар), радио асарлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **1043** ва **1044-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«1043-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланувчи асарнинг қисмлари, ҳосила ва жамлама асарлар**

Ушбу Кодекснинг 1041-моддасида белгиланган талабларга жавоб берадиган:

асарнинг мустақил равишда фойдаланилиши мумкин бўлган қисмлари (шу жумладан унинг номи);

ҳосила асарлар (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари);

тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 17 январда эълон қилинган.

бошқа жамлама асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади.

Ҳосила ва жамлама асарлар, уларнинг яратилиши учун асос бўлган ёки уларнинг таркибига кирган асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинади.

**1044-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган материаллар**

Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайди:

расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;

расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар);

халқ ижодиёти асарлари;

оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;

инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмасдан, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар»;

7) **1046-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«1046-модда. Асар муаллифи. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши. Муаллифлик презумпцияси**

Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади.

Фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки тахаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исми ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади»;

8) **1048-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«1048-модда. Ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи**

Ҳосила асар муаллифига фан, адабиёт ва санъат асарининг мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган қайта ишланмасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир.

Ҳосила асар муаллифи қайта ишланган асар муаллифи ҳуқуқларига риоя этган тақдирда, ўзи яратган асарга муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Ҳосила асар муаллифининг муаллифлик ҳуқуқи қайта ишлашга асос бўлган асарни бошқа шахслар ҳам ўзлари қайта ишлашларига тўсқинлик қилмайди»;

9) **1049-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (аудиовизуал асарларни тайёрловчилар, энциклопедиялар ноширлари, продюсерлар ва бошқа шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бироқ ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда, бундай шахслар ана шу асарлардан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга бўладилар.

Аудиовизуал асарни тайёрловчи бу асардан фойдаланилганда ўз исми ёки номини кўрсатишга ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Энциклопедиялар, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрлардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар уларнинг ноширига тегишлидир. Бундай нашрлардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ношир ўз исми ёки номини кўрсатишга ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир. Бундай нашрларга киритилган асарларнинг муаллифлари, агар муаллифлик шартномасида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, умуман нашрдан қатъи назар, ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқларини сақлаб қоладилар»;

10) **1051-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлидир:

асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);

асардан муаллифнинг ҳақиқий исми, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исмини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ);

асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ), шу жумладан чақириб олиш ҳуқуқи;

асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи).

Муаллиф асарни ошкор қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан, асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш шарти билан, воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эгадир. Агар асар ошкор қилинган бўлса, муаллиф уни чақириб олганлиги тўғрисида оммага маълум қилиши шарт. Бунда у асарнинг аввал тайёрланган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир. Бу қоидалар, агар муаллиф билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми кўрсатилишига бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шарҳлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг мулкий ҳуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади.

Муаллифнинг ўз шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас»;

11) **1052, 1053, 1054** ва **1055-моддалар** чиқариб ташлансин;

12) **1056-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«1056-модда. Муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари**

Муаллифга асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқлар тегишлидир.

Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

асарни такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътибо-

рига етказиш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);

асарни омма олдида намойиш этиш (омма олдида намойиш этиш ҳуқуқи);

асарни омма олдида ижро этиш (омма олдида ижро этиш ҳуқуқи);

асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (эфирга узатиш ҳуқуқи);

асарни таржима қилиш (таржима қилиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса (барчанинг эътиборига такроран юбориш ҳуқуқи).

Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига (ҳақ олиш ҳуқуқига) эга.

Агар чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишига муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (кашфиётларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўллаш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланганлик деб ҳисобланмайди»;

13) **1057-модда** чиқариб ташлансин;

14) **1058-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муаллиф ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги мутлақ ҳуқуқларини чеклашга ушбу Кодекснинг 1059-1062-моддаларида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Мазкур чеклашлар асардан нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказмаган ва муаллифнинг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади»;

15) **1059-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«1059-модда. Асарларни муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ тўланмаган ҳолда шахсий мақсадларда такрорлаш**

Ошкор қилинган асарни шахсий мақсадларда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўланмаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари:

бинолар ва иншоотлар шаклидаги архитектура асарларини такрорлашга;

маълумотлар базаларини ёки уларнинг муҳим қисмларини такрорлашга;

қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, ЭҲМ учун дастурларни такрорлашга;

китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репрографик такрорлашга нисбатан татбиқ этилмайди»;

16) **1060-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чоп этилган мусиқа асарларини расмий, диний ва дафн маросимларида бундай маросимларнинг хусусиятига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда омма олдида ижро этишга йўл қўйилади»;

17) **1061** ва **1062-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«1061-модда. Асарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадлари учун фойдаланиш**

Асарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда фойдаланишга йўл қўйилади.

**1062-модда. Хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқи**

Хизмат вазифаларини ёки хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари асар муаллифида сақланиб қолади.

Хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир.

Хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва ҳақ олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади.

Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди.

Иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишга ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топшириқларини бажариш йўсинида ушбу Кодекс 1049-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган энциклопедиялар, энциклопедик луғатлар, даврий ва давомли илмий ишлар тўпламлари, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрларнинг яратилишига ушбу модданинг қоидалари татбиқ этилмайди»;

18) **1063-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«1063-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси**

Ушбу Кодексга мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турар жойига эга бўлган муаллифларнинг ёки муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгалик қилувчиларининг асарларига;

муаллифларнинг фуқаролиги ва доимий турар жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга татбиқ этилади.

проводят совместно с представителями поставщиков воды разъяснительную работу среди населения о возможности достижения реальной экономии средств на оплату услуг по водоснабжению за счет внедрения счетчиков воды и необходимости обеспечения доступа к месту установки узла учета воды (своевременной его подготовки к установке);

оказывают помощь малообеспеченным семьям по оплате за установку узлов учета воды путем компенсации в форме оказания им материальной помощи в соответствии с законодательством.

## IV. ПРИОБРЕТЕНИЕ И УСТАНОВКА УЗЛОВ УЧЕТА ВОДЫ

21. Китайская корпорация «China National Machinery Import & Export Corporation» (CMC) в консорциуме с иностранным предприятием ООО «II YAN» осуществляет закупку комплектующих и деталей, произведенных предприятиями Китайской Народной Республики, сборку, поверку и установку узлов учета воды в жилищном фонде на условиях «под ключ».

22. Приемку установленных исполнителем проекта узлов учета воды осуществляют территориальные предприятия тепло- и водоснабжения как региональные представители Узбекского агентства «Узкоммунхизмат».

23. Порядок возмещения стоимости узлов учета воды и оплаты его установки, оплаты за воду, включая эксплуатацию и техническое обслуживание счетчиков воды, определяется соответствующими договорами, заключаемыми между потребителем и поставщиком воды.

24. Узлы учета воды являются собственностью территориальных предприятий тепло- и водоснабжения до полного погашения их стоимости потребителем.

25. Узлы учета воды устанавливаются в местах, обеспечивающих свободный доступ обслуживающего персонала для визуального контроля целостности и технического состояния счетчиков воды, возможности снятия показаний шкально-цифрового устройства счетчика воды, а также отвечающих требованиям техники безопасности.

## V. ЭКСПЛУАТАЦИЯ УЗЛОВ УЧЕТА ВОДЫ

26. Эксплуатация узлов учета воды включает:

техническое обслуживание, контроль за показаниями счетчиков воды и техническим состоянием узлов учета воды в целом;

периодические поверочные работы;

ремонт счетчиков воды;

установку и замену вышедших из строя счетчиков воды.

27. Эксплуатацию узлов учета воды осуществляют территориальные предприятия тепло- и водоснабжения.

28. В период действия гарантии на узлы учета воды затраты по эксплуатации узлов учета воды осуществляются за счет поставщика воды.

29. После завершения гарантийного срока на узлы учета воды их техническое обслуживание и эксплуатация производятся в соответствии с договором с поставщиками воды за счет средств потребителя.

30. Ремонтные работы счетчиков воды производят специализированные организации, имеющие соответствующее поверочное оборудование и разрешение на проведение указанных работ.

## VI. ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА НАРУШЕНИЕ ПРАВИЛ И НОРМ ЭКСПЛУАТАЦИИ УЗЛОВ УЧЕТА ВОДЫ

31. Поставщик воды несет ответственность за качество предоставляемых услуг, обеспечивающих нормальную работу счетчиков воды, соответствие их техническим условиям по безопасной эксплуатации, точности измерения объемов воды, поставляемых потребителю. Поставщик воды обязан довести до сведения потребителя данные о технических показателях счетчиков воды, правилах и условиях эффективной и безопасной их эксплуатации, срока службы (годности), периода и сроках технического осмотра и поверочных испытаний.

32. Контроль за сохранностью пломб и технической документации на счетчики воды осуществляют предприятия тепло- и водоснабжения.

33. Ответственность за нарушение пломбы на счетчиках воды и сохранность технической документации возлагается на потребителя.

34. В случае нарушения пломб и утери технической документации на счетчики воды по вине потребителя потребитель оплачивает стоимость услуг из расчета полной пропускной способности трубопровода холодного (горячего) водоснабжения и непрерывного ее использования в течение 24 часов в сутки со дня последнего посещения контролера, а также стоимость работы по повторным поверочным испытаниям.

35. При обнаружении производственного дефекта или неисправности счетчика воды, влекущих за собой невозможность использования его в качестве средства измерения в период действия гарантии, исполнитель проекта в течение пяти дней обязан произвести его замену за счет собственных средств.

Гарантийный срок на счетчик воды устанавливается с момента его установки.

36. По истечении гарантийного срока поставщики воды, осуществляющие эксплуатацию и техническое обслуживание счетчиков воды, обязаны в трехдневный срок с даты поступления заявки от потребителя о неисправности счетчика воды произвести его ремонт или (в случае невозможности ремонта) замену на новый, сертифицированный в Республике Узбекистан счетчик воды, за счет потребителя, с предоставлением ему всех необходимых документов о проведенных испытаниях счетчиков воды и ценообразовании.

При этом потребитель в период с момента обращения к поставщику воды с заявлением о неисправности счетчика воды до его полного восстановления оплачивает стоимость использованной воды исходя из среднего суточного потребления воды за предшествующий месяц, определенного путем деления показаний счетчика воды за этот месяц на количество дней в нем.

37. Потребитель обязан бережно относиться к установленным счетчикам воды, обеспечивать в установленном порядке беспрепятственный доступ обслуживающего персонала к счетчику воды, в установленные сроки производить оплату по его показаниям согласно действующим тарифам.

В случае обнаружения неисправности счетчиков воды потребитель обязан немедленно поставить об этом в известность поставщика воды.

38. При умышленной порче счетчиков воды, установлении фактов самовольного подключения к водопроводным сетям потребитель привлекается к ответственности в соответствии с законодательством.

39. Споры, возникающие между поставщиком воды и потребителем, решаются в установленном законодательством порядке.

*ПРИЛОЖЕНИЕ*
*к Положению о порядке приобретения, установки и эксплуатации узлов учета холодной и горячей воды в многоквартирных и индивидуальных жилых домах в рамках реализации проекта «Оснащение жилищного фонда Республики Узбекистан приборами учета холодной и горячей воды»*

## СХЕМА ФИНАНСИРОВАНИЯ, ПРИОБРЕТЕНИЯ, УСТАНОВКИ И ЭКСПЛУАТАЦИИ УЗЛОВ УЧЕТА ХОЛОДНОЙ И ГОРЯЧЕЙ ВОДЫ




1 – заключение индивидуального заемного соглашения и выполнение обязательств;
2 – выдача гарантии Республики Узбекистан;
3 – заключение кредитных договоров АКИБ «Ипотека-банк» с агентством «Узкоммунхизмат» и территориальными предприятиями водо- и теплоснабжения по рефинансированию кредита Эксимбанка КНР;
4 – заключение контракта между агентством «Узкоммунхизмат» и исполнителем проекта на приобретение, сборку и установку узлов учета воды «под ключ»;
5 – заключение договора на установку, техническое обслуживание и эксплуатацию узла учета воды;
6 – оплата за поставку, производство и установку приборов учета воды «под ключ»;
7 – поставка, производство и установка узла учета воды «под ключ»;
8 – оплата за установленные узлы учета воды на спецсчета агентства «Узкоммунхизмат» и областных предприятий водо- и теплоснабжения;
9 – возврат кредита.

*ПРИЛОЖЕНИЕ N 4*
*к постановлению Президента РУз*
*от 3 января 2007 года N ПП-553*

## ТИПОВОЙ ДОГОВОР НА УСТАНОВКУ, ТЕХНИЧЕСКОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ И ЭКСПЛУАТАЦИЮ УЗЛА УЧЕТА ХОЛОДНОЙ (ГОРЯЧЕЙ) ВОДЫ

Водоснабжающее (теплоснабжающее) предприятие ________________________________
*(наименование)*

в лице ________________________________, действующего
*(занимаемая должность, Ф.И.О.)*

на основании Устава предприятия, именуемое в дальнейшем «Поставщик», с одной стороны, и собственник квартиры/дома (физическое лицо, обладающее правом собственности на жилое помещение) гр. ________________________ ____________, проживающий по адресу: ________________________________, именуемый в дальнейшем «Потребитель», с другой стороны, заключили настоящий договор о нижеследующем:

### 1. ПРЕДМЕТ ДОГОВОРА

1. Поставщик:

1.1. Принимает на себя обязательства по поставке и установке Потребителю на условиях «под ключ» узла учета воды, состоящего из следующих элементов: шарового крана, фильтра, прибора учета холодной/горячей воды (далее – счетчик воды), обратного клапана-вкладыша.

Установка узла учета производится Поставщиком в течение 10 (десяти) дней после поступления на его счет первоначального взноса от Потребителя в размере 15% от общей стоимости узла учета воды.

Марка (тип) устанавливаемого счетчика воды __________ ________________, заводской номер ___________, начальное показание счетчика воды ___________.

1.2. Гарантирует, что качество устанавливаемого узла учета воды соответствует требованиям «Положения о порядке приобретения и эксплуатации приборов учета холодной и горячей воды в многоквартирных и индивидуальных жилых домах в рамках реализации проекта «Оснащение жилищного фонда Республики Узбекистан приборами учета холодной и горячей воды» (приложение N 3 к постановлению Президента Республики Узбекистан от 3 января 2007 г. N ПП-553).

Гарантийный срок на счетчик воды устанавливается 48 месяцев со дня подписания Акта выполненных работ, гарантийный срок на качество установки и комплектующие узла учета воды, кроме самого счетчика воды – 24 месяца.

1.3. Обеспечивает эксплуатацию узла учета воды, кото-

рая включает:

техническое обслуживание, контроль за показаниями счетчика воды и техническим состоянием узла учета воды в целом (ежемесячно);

организацию проведения периодических поверочных работ (в сроки и порядке согласно паспорту и техническим условиям на счетчик воды);

ремонт узла учета воды;

установку и замену вышедших из строя элементов узла учета воды.

В период действия гарантии на узлы учета воды затраты по эксплуатации узлов учета воды осуществляются за счет Поставщика воды.

После завершения гарантийного срока на узлы учета воды их техническое обслуживание и эксплуатация производятся в соответствие с настоящим договором за счет Потребителя.

2. Потребитель обязуется обеспечить:

а) в индивидуальных жилых домах – подготовку места установки узла учета воды на трубопроводе с устройством колодца в установленном порядке;

б) в многоквартирных жилых домах – свободный доступ к месту установки узла учета воды с устранением возможных помех при производстве работ;

в) своевременную оплату стоимости узла учета воды «под ключ» на специальный накопительный счет Поставщика в следующем порядке:

первоначальный взнос в размере 15% от общей стоимости узла учета воды «под ключ» производится до установки узла учета в течение 10-ти дней после заключения настоящего договора;

остальные 85% выплачиваются равными ежемесячными долями в течение последующих 47 месяцев.

3. Стоимость узла учета воды «под ключ» составляет __________ долларов США.

4. Оплата стоимости узла учета воды «под ключ» производится в сумах по курсу Центрального банка Республики Узбекистан на дату платежа.

5. По желанию Потребителя допускается досрочная оплата за узел учета воды.

## II. ОТВЕТСТВЕННОСТЬ СТОРОН И РАЗРЕШЕНИЕ СПОРОВ

6. Ответственность за сохранность узла учета воды и использование его по назначению с момента установки возлагается на Потребителя.

7. При выходе из строя узла учета воды (отдельных его элементов) по причинам, не зависящим от Потребителя (вследствие некачественного производства, монтажа и/или предоставления Поставщиком услуг водоснабжения с отклонениями от действующих стандартов и норм), Поставщик обязан незамедлительно принять меры по устранению неполадок в узле учета и, при необходимости, в течение не более 5 (пяти) дней произвести замену вышедших из строя элементов узла учета воды.

При невыполнении или несвоевременном выполнении Поставщиком вышеуказанных обязательств Потребитель имеет право через 5 дней после вручения Поставщику нарочно письменного уведомления о неисправности узла учета воды, взимать, начиная с даты уведомления, пени в размере 0,5% от стоимости узла учета воды за каждый день просрочки, но не более 50% от стоимости узла учета воды.

При этом Потребитель в период с момента обращения к Поставщику с заявлением о неисправности узла учета воды до его полного восстановления производит оплату за поставленную воду исходя из среднего суточного потребления воды за предшествующий месяц, определенного путем деления показаний счетчика воды за этот месяц на количество дней в нем.

8. При умышленной порче узла учета воды Потребитель отключается от системы водоснабжения, и подача воды возобновляется после ремонта или замены счетчика воды (элементов узла учета воды) на новый за счет Потребителя и оплаты Потребителем Поставщику стоимости оказанных услуг по отключению и подключению к сети водоснабжения.

9. Право собственности на узел учета воды переходит от Поставщика к Потребителю после полного погашения им стоимости узла учета воды.

10. При неоплате или несвоевременной оплате Потребителем стоимости узла учета воды Поставщик имеет право через 5 дней после вручения Потребителю письменного уведомления нарочно отключить его от сети водоснабжения с одновременным взиманием, начиная с даты уведомления, пени в размере 0,5% от общей суммы задолженности за каждый день просрочки, но не более 50% от суммы просроченного платежа. Повторное подключение к водопроводным сетям Поставщиком осуществляется после полного погашения Потребителем задолженности и возмещения им расходов по отключению и повторному подключению к сети водоснабжения.

11. Спорные вопросы между сторонами разрешаются путем переговоров. В случае невозможности достижения обоюдного соглашения спор рассматривается в судебном порядке в соответствии с законодательством.

## III. ДЕЙСТВИЕ ДОГОВОРА

12. Настоящий договор заключен на срок с «_____» __________ 200__ г. по «_____» ______________ 20__ г.

13. Настоящий договор вступает в силу с момента подписания.

14. Договор составлен в 2-х экземплярах, имеющих одинаковую юридическую силу.

## IV. РЕКВИЗИТЫ СТОРОН

**ПОСТАВЩИК:**

______________________________

______________________________

р/с ___________________________

______________________________

______________________________

Подпись Ф.И.О.

М.П.

**ПОТРЕБИТЕЛЬ:**

______________________________

______________________________
(фамилия, имя, отчество)

Адрес: _________________________

______________________________

Паспорт: серия _______________

номер ________________________

выдан ________________________

______________________________

Подпись Ф.И.О.



# ДИРЕКТОР ОҚЛАНИБ, МЧЖ ЖАЗОЛАНДИ

## ИШНИНГ МОҲИЯТИ

***2003 йилда МЧЖ директорига қарши қўзғатилган жиноят иши доирасида Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти у раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг молия-хўжалик фаолиятини текширди ва тегишли лицензиясиз кино-, видео маҳсулотлар ҳамда дастурларни сотишдан 2000000 сўм даромад олинганлиги далилини аниқлади. Текшириш далолатномасига асосан Давлат солиқ инспекцияси МЧЖни иқтисодий жавобгарликка тортиш: олинган даромад ва яна шунча миқдорда жарима суммасини ундириш тўғрисида қарор қабул қилди. ДСИ инкассо топшириқномасига кўра ушбу суммалар МЧЖнинг ҳисоб-китоб рақамидан ҳисобдан чиқарилди. Директорга нисбатан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун ЖК 189-моддасининг иккинчи қисми ҳамда лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлик учун ЖК 190-моддасининг иккинчи қисми бўйича жиноят иши қўзғатилди.***

***Солиқ органининг ҳаракатларига қўшилмаган МЧЖ ундан 4000000 сўм ундириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилди. Биринчи инстанция суди даъво талабларини қаноатлантирмади. Апелляция инстанцияси судининг қарори билан мазкур ҳал қилув қарори ўзгартиришсиз қолдирилди.***

***Юридик шахс чиқарилган суд ҳужжатларини бекор қилиш ва даъво талабларини қаноатлантириш тўғрисида янги ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғрисида кассация шикояти билан олий хўжалик судига мурожаат қилди.***

## ЮРИДИК ШАХСНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Солиқ органларининг пул маблағларини ҳисобдан чиқаришга доир ҳаракатлари нотўғри. Уларни ундириш бўйича солиқ органлари чиқарган қарор қонун талабларига мувофиқ эмас, чунки МЧЖ директори ишни кўрган суд томонидан ЖК 190-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор эмас деб топилди ва, тегишинча, лицензиясиз фаолият турлари билан шуғулланганлик учун Солиқ кодекси 135-моддаси биринчи қисмининг 6-бандиға кўра *(2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сон Қонундан аввалги таҳрирда)* ташкилотга нисбатан молиявий жазо қўлланиши мумкин эмас. Ундирилган маблағлар қайтарилиши ва МЧЖнинг ҳисоб-китоб рақамига қайд этилиши керак. Суд ДСИдан 4000000 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини қабул этиши лозим.

## СОЛИҚ ОРГАНИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Юридик шахс қонун билан белгиланган тартибда ўзи амалга ошираётган фаолият турига лицензия олиши шарт эди. Бироқ у, мазкур талабни бузиб, лицензиясиз фаолият юритган ва бунда даромад олган. Солиқ кодексида қайд этилган қоидаларга кўра *(ЎРҚ-59-сон Қонунгача)* лицензияланадиган фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун ушбу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва худди ўшанча миқдордаги жарима ундирилади. Шу тариқа, солиқ органининг ҳаракатлари бутунлай қонуний, МЧЖга эълон қилинган талаблар эса қаноатлантирилмаслиги керак.

## СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, ҳал қилув қарори ва суд апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартиришсиз қолдиришни сўраган прокурор фикрини тинглаб, кассация шикояти важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

– Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти МЧЖнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш чоғида лицензияланадиган фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш далилини аниқлаган;

– Солиқ кодекси 135-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига кўра *(унга 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилгунга қадар таҳрирда)* лицензияланадиган фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун ушбу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва худди ўшанча миқдорда жарима ундирилади;

– текшириш якунлари бўйича тузилган далолатномага асосан солиқ органи МЧЖга нисбатан 2000000 сўм миқдорида олинган даромад ва худди ўшанча миқдорда жарима, жами 4000000 сўмни ундириш кўринишида молиявий жазо чорасини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилган;

– мазкур сумма ДСИ инкассо топшириқномаларига асосан юридик шахснинг ҳисоб-китоб рақамидан ҳисобдан чиқарилган;

– ЖКнинг 189 ва 190-моддалари бўйича қўзғатилган ишга айбланувчи сифатида жалб этилган МЧЖ директори 190-моддага кўра оқланган. Жиноий ишлар бўйича суд уни лицензиясиз фаолият билан шуғулланишда айбсиз деб топган;

– молиявий жазо суммаси **солиқ органининг қарорига** асосан ундирилганлиги боис ҳисобдан чиқарилган суммани қайтариш тўғрисида даъвогар – МЧЖнинг талаблари фақат мазкур қарор ҳақиқий эмас деб топилгандан кейингина эълон этилиши мумкин. Иш материалларидан, шунингдек унда иштирок этаётган шахсларнинг тушунтиришларидан келиб чиқишича, кўрсатилган қарор хусусида низолашилмаган ва уни ҳақиқий эмас деб топган суд ҳужжати мавжуд эмас.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, суд ҳайъати биринчи ва апелляция инстанциялари судлари моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ меъёрларини тўғри қўллаганлар ва даъвогар – МЧЖнинг эълон қилинган талабларини ҳақли равишда қаноатлантирмаганлар деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилганлар асосида ҳамда Хўжалик процессуал кодексининг 187 ва 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартиришсиз, юридик шахснинг кассация шикоятини эса қаноатлантирмай қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди.

16-бетда

# ХАТО ҚИЛДИНГИЗМИ? – ТЕКШИРУВЧИНИ КУТИНГ

## ИШНИНГ МОҲИЯТИ

***Солиқ ва валюта жиноятларига қарши курашиш департаменти (бундан кейин – назорат органи) МЧЖ фаолиятини ҳужжатлар асосида режадан ташқари текширди. МЧЖ давлат органининг ҳаракатларини нотўғри деб ҳисоблаб, назорат қилувчи органнинг текшириш ўтказиш тўғрисида буйруғини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарори билан эълон қилинган талаблар қониқтирилмасдан қолдирилди. МЧЖ кассация шикояти билан Олий хўжалик судига мурожаат қилди.***

## МЧЖнинг ПОЗИЦИЯСИ

Назорат органи томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашига режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида хат тақдим этилган. Бироқ 1998 йил 24 декабрдаги 717-I-сон "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун *(бундан кейин - Қонун)* 12-моддасида Кенгашнинг қарори режадан ташқари текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланиши белгиланган. Қонун 9-моддасининг биринчи қисмида эса мувофиқлаштириш режасидан кўчирма текшириш ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланиши назарда тутилган.

Давлат органи Кенгашнинг қарори ва мувофиқлаштириш режасидан кўчирмани тақдим этмаган. Бинобарин, унинг текшириш ўтказиш бўйича ҳаракатлари нотўғридир.

## НАЗОРАТ ОРГАНИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Қонун режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида Кенгаш қабул қиладиган қарор шаклини белгиламайди. Шу боис назорат органи тақдим этган хат режадан ташқари текшириш ўтказишга рухсатнома ҳисобланади.

Қонун 9-моддасининг биринчи қисмида мувофиқлаштириш режасидан кўчирма режали текшириш ўтказиш учун талаб этилиши назарда тутилган. Бинобарин, мазкур ҳужжат режадан ташқари текшириш ўтказиш учун талаб қилинмайди.

## СУДНИНГ ҚАРОРИ ВА УНГА ШАРҲЛАР

*Қонуннинг 3-моддасига кўра хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши текшириш бўлиб ҳисобланади.*

*Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида низом (адлия вазирининг Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 15 майда 917-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган, янги таҳрирда*) 1-бандининг тўққизинчи хатбошисига кўра назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириш режадан ташқари текшириш бўлиб ҳисобланади. Қонун 12-моддасининг биринчи қисмига кўра, қуйидагилар уни ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланади:* ***режадан ташқари*** *текшириш ўтказишга доир махсус ваколатга эга органнинг қарори (мазкур ҳолда – Кенгашнинг қарори); текширишни амалга оширадиган тегишли назорат органининг буйруғи. Бинобарин, кўрсатилган ҳужжатлар мавжуд бўлганида давлат органи текшириш ўтказиш учун қонуний асосларга эга бўлади.*

*Суд ҳайъати тарафларнинг тушунтиришларини, прокурорнинг фикрини тинглаб, иш материалларини ўрганиб, қуйидагиларни аниқлади:*

*– текширилаётган объект номини, текшириш ўтказиш мақсади ва муддатларини кўрсатган ҳолда Кенгашнинг хат шаклидаги қарори даъвогарни текшириш учун асос бўлиб ҳисобланади;*

*– текшириш ўтказиш тўғрисида назорат органларининг тегишли буйруқлари чиқарилган;*

*– юқорида кўрсатилган буйруқларнинг чиқарилиши назорат органига хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилиши далиллари тўғрисида маълумотларнинг келиб тушиши билан боғланган.*

*Бинобарин, назорат органларининг текширишларни ўтказишга ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича ҳаракатлари қонунийдир.*

*Кассация ҳайъати қонун қоидаларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни белгилади:*

***– Қонуннинг 7-моддасига кўра назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва у чиқарган қарорларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга доир қисми назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.***

*Президентнинг 1996 йил 8 августдаги «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-1503-сон Фармони 3-бандида белгиланишича, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган барча текширишлар фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши билан келишган ҳолда ўтказилади, Кенгаш шу тариқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни ўтказиш қисмида махсус ваколатли орган ҳисобланади;*

***– Қонун 9-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ мувофиқлаштириш режасидан кўчирма режали текшириш ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланади.***

*Қонунда мувофиқлаштириш режасидан кўчирма махсус ваколатли орган (Кенгаш) томонидан берилиши ва назорат қилувчи органнинг буйруғи билан бир қаторда* ***режали*** *текшириш ўтказиш учун асослардан бири бўлиб ҳисобланиши назарда тутилган. Бинобарин, у режадан ташқари текшириш ўтказаётганда талаб этилмайди;*

***– Қонуннинг 12-моддаси биринчи қисмида белгиланишича, режадан ташқари текшириш учун махсус ваколатли органнинг режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек тегишли назорат қилувчи органнинг буйруғи асос бўлиб хизмат қилади.***

*Режадан ташқари текшириш ўтказишга рухсат олиш таомили қуйидагича: Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида низом (НҚОФМРКнинг Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган янги таҳририда) III бўлимига кўра назорат органи Кенгашга уни ўтказишнинг зарурлигини асослаган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказишга рухсат олиш учун буюртманома, шунингдек назорат органининг раҳбари тасдиқлаган текшириш режасини юборади. Кенгаш қисқа муддатларда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва режадан ташқари текшириш ўтказиш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бундан қонун ҳужжатларида Кенгаш қабул қиладиган қарорнинг шакли белгилаб қўйилмаганлигини англаш мумкин. У хат, буйруқ, қарор ёки режадан ташқари текшириш ўтказишга рухсат берадиган бошқа ҳар қандай ҳужжат бўлиши мумкин;*

***– Қонун 12-моддасининг иккинчи қисмига кўра режадан ташқари текширишни назорат қилувчи органлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилиши далиллари тўғрисида назорат қилувчи органга қўшимча маълумотлар келиб тушган тақдирда амалга оширадилар.***

*Режадан ташқари текширишлар 1573-сон Низомнинг 16-бандига мувофиқ уларни асослайдиган сабаблар мавжуд бўлганида фавқулодда ҳолларда амалга оширилиши мумкин. Қуйидагилар ана шундай ҳоллар ҳисобланади:*

*– текширишларни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки ҳукумати қарорларидан келиб чиққанда (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки ҳукуматининг қарорида текширилаётган субъект номи белгиланган бўлса, Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси розилигини олиш талаб қилинмайди);*

*– назорат органига тадбиркорлик субъекти томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги далиллари тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда (аниқ далилланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳуқуқбузарлик далилларини кўрсатган ҳолда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролардан олинган ахборот қўшимча маълумотлар бўлиб ҳисобланиши мумкин);*

*– фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш зарурати туғилганда;*

*– санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.*

***Юқорида баён этилганлар асосида, Хўжалик процессуал кодексининг 187, 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартиришсиз қолдириш, кассация шикоятини эса қаноатлантирмаслик тўғрисида қарор қабул қилди.***

**2007 йил 8 январда – адлия вазирининг Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» буйруғи амалга киритилган кундан бошлаб ўз кучини йўқотган («Норма маслаҳатчи»нинг 4(81)-сонида чоп этилган).*

ШАРҲ

# ДИРЕКТОР ОҚЛАНИБ, МЧЖ ЖАЗОЛАНДИ

15-бетда

Амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларига кўра лицензияланадиган фаолият фақат тегишли лицензия олингандан кейингина амалга оширилиши мумкин. 2000 йил 25 майдаги 71-II-сон «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун 3-моддасининг иккинчи хатбошисига кўра **лицензия** – лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (ҳужжат). Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарори билан тасдиқланган.

Солиқ кодексининг 135-моддаси лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлик учун молиявий жавобгарликни назарда тутади. Унга 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилгунга қадар таҳрирда мазкур модда биринчи қисмининг 6-бандига кўра лицензиясиз фаолият турлари билан шуғулланганлик учун ушбу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва худди шунча миқдорда жарима ундирилган. Ҳозирги вақтда амал қилаётган таҳрирдаги модда (биринчи қисмнинг 5-банди) фаолиятни амалга оширишиш муносабати билан тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни чегирган ҳолда лицензиясиз фаолият турлари билан шуғулланганлик учун шу тариқа олинган бутун даромад (фойда)ни ундиришни назарда тутади. Кўрамизки, олинган даромад миқдорида **жарима** ундириш чиқариб ташланган.



ХПК 60-моддасининг тўртинчи қисмига кўра жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суднинг ҳукми хўжалик суди учун муайян ҳаракатлар юз берганлиги ва уларни кимлар содир этганлиги хусусидаги масалалар бўйича мажбурийдир. Бундан келиб чиқадики, агар ишни кўрган жиноий ишлар бўйича суд ташкилот директорини лицензиясиз фаолият билан шуғулланишда айбдор деб топса, тегишинча у раҳбарлик қилаётган юридик шахс ҳам Солиқ кодекси 135-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига кўра молиявий жавобгарликка тортилиши керак. Мазкур ҳолда солиқ органларининг корхона лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлиги далилини қўшимча равишда исботлашлари талаб қилинмайди, чунки айблов ҳукмида баён этилган исботланган далиллар мавжуд. Бироқ кўрсатилган мансабдор шахсга нисбатан **оқлов** ҳукми чиқарилса, бу ташкилотнинг ўзига иқтисодий жавобгарликни қўлламаслик учун асос ҳисобланмайди. Яъни агар жиноий ишлар бўйича суд ишни кўриб, оқлов ҳукмини чиқарса, субъектни хўжалик суди ишини юритиш доирасида молиявий жавобгарликка тортиш учун солиқ органлари лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлик далилини мустақил равишда исботлашлари керак.

Шуни қўшимча қилиш лозимки, ҳозир амал қилаётган қонун ҳужжатларига кўра солиқ хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Солиқ кодексининг 135-моддасида назарда тутилган молиявий жазо чораларини (пеня ҳисоблаб ёзиш бундан мустасно) мустақил равишда қўллаш ҳуқуқига эга эмаслар. Субъектни иқтисодий жавобгарликка тортиш учун солиқ органи судга мурожаат этиши ва фақат унинг ҳал қилув қарорига асосан тегишли чораларни қўллаши керак. 1997 йил 29 августдаги 474-I-сон «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун 5-моддаси биринчи қисми 9-бандининг иккинчи хатбошисига кўра хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазо чоралари фақат суд тартибида қўлланади, улар ҳуқуқбузарликни содир этишда ўз айбини тан олган ва молиявий жазо суммаларини ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно.

Қабул қилинган ҳал қилув қарори асосида юридик шахснинг ҳисоб-китоб рақамидан ҳисобдан чиқарилган пул маблағлари суммаларини солиқ органларидан ундириш тўғрисида судга даъво аризаси топшириш олдидан ушбу ҳал қилув қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни эълон қилиш зарур. Буни юқори солиқ органига ёки хўжалик судига ариза билан мурожаат этиш орқали амалга ошириш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида» 57-сон қарорига мувофиқ хўжалик юритувчи субъект солиқ органининг қарори устидан Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларига шикоят қилиши ҳам мумкин. Бироқ тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали усули судга шикоят қилишдир. Суд арз қилинган даъво талабларини кўриб чиқиб ва уларнинг асослилигини аниқлаб, солиқ органининг шикоят қилинаётган қарорини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Фақат шу ҳолдагина ҳисоб-китоб рақамидан нотўғри ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини ундириш (қайтариш) талабини эълон қилиш мумкин. Солиқ органининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва у ҳисоб-китоб рақамидан нотўғри ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини ундириш (қайтариш) тўғрисидаги талабларни бир даъво аризасида бирлаштириш мумкин.

**Резюме.** Тадбиркорлик субъекти фаолиятнинг муайян турлари билан шуғулланишдан аввал улар лицензияланиши кераклиги ёки керак эмаслигини аниқлаши керак. Агар лицензиялаш мажбурий бўлса, келгусида молиявий жазо чоралари қўлланилишининг олдини олиш мақсадида лицензия олиш зарур. Бундан ташқари, бундай ҳуқуқбузарлик учун ташкилот мансабдор шахсларининг маъмурий ва жиноий жавобгарлиги назарда тутилганлигини ёддан чиқармаслик керак.

**«ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ» РУКНИДАГИ МАҚОЛАЛАР ГЕРМАНИЯ ТЕХНИК ҲАМКОРЛИК ЖАМИЯТИ КЎРСАТАЁТГАН ТЕХНИК ЁРДАМ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.**

Ҳуқуқбузарлик анатомияси

# СУРИШИБ КЕТАРМИЗ-А?

## ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗНИНГ ЭКСПЕРТГА ЙЎЛЛАГАН ДОЛЗАРБ САВОЛЛАРИ

***Кечиримли бўлиш инсондаги энг ажойиб фазилатлардан ҳисобланади. Лекин афсуски, бугунги одамлар кек сақлаш, қалбига оғриқ етказганлардан ўч олишни баъзида умрларининг мазмунига айлантириб оладилар. Зотан бизга алам ўтказган, қаттиқ ранжитган кимсаларга қарши хаёлан ўч олиш режаларини пишитар эканмиз, бир амаллаб унинг бошига етишни ўйлаб, бундан негадир жигаримиз хун бўлади. Ана шундай бўлмаслиги учун Х.Сулаймонова номидаги республика суд экспертизаси маркази мутахассисларидан газетхонларимизга ўзига хос маслаҳатлар беришни сўрадик.***

***Бугун муштарийларимиз саволларига иқтисодчи, малакали эксперт Нина Александровна СЕРДОБИНЦЕВА жавоб беради. У Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номидаги республика суд экспертизаси марказида 1982 йилдан буён ишлаб келмоқда, сўнгги 16 йил мобайнида суд-иқтисодий экспертиза бўлимини бошқармоқда.***

? ***Менинг бобом Ўзбекистон-Канада қўшма корхонасидан иш қобилиятини йўқотганлик пенсияси, ўзимизнинг ижтимоий таъминот бўлимимиздан эса ёшга доир оддий пенсия олади. Пенсиялар оширилганда, айтайлик охирги сафар 20 фоизга оширилди, канадаликлар бобомнинг пенсиясини ана шундай фоизга кўпайтирдилар, бизникилар эса ундай қилишмади, бор-йўғи 12-13 фоизга оширишди, холос. Ҳар сафар шундай бўляпти. Айтингчи, нима учун фарқ бунақа?***

**Сергей К.**
**Бекобод шаҳри.**

– Мамлакатимиз Президентининг пенсияларни ошириш тўғрисидаги Фармонида аниқ қилиб «ўртача 1,2 марта» оширилади деган таъриф берилганлигини эслатиш жоиз. Бу ҳол ижтимоий таъминот бўлими ходимларига қайта ҳисоб-китоб қилаётганда ўз идоралари ишлаб чиққан коэффициентлардан фойдаланиш имконини беради. Бу коэффициентлар турли жиҳатларни, шу жумладан пенсионернинг ўтмиш фаолияти соҳасини инобатга олади. Натижада кимнингдир пенсияси сизнинг бобонгиз билан бўлгани каби 12 фоизга, бошқаларники эса кўпроққа ошади. Марказимиз экспертлари бизга мурожаат қилганлар учун бу коэффициентларнинг қўлланилиши тўғрилиги ва асослилигини, башарти коэффициентлар лозим даражада тасдиқланган бўлса, текшириб бера оладилар. Акс ҳолда эксперт ўз ҳисоб-китобларида ижтимоий таъминот бўлимини пенсионернинг пенсиясини қайта ҳисоб-китоб қилаётганда энг юқори ставкадан фойдаланишга ундайди.

? ***Болам учун оладиган нафақани бир ярим йил (!) ушлаб турганликлари учун корхонамизнинг бухгалтерияси ходимларини қайта ҳисоблаб чиқишга, ва бунда маънавий зарарни ҳам инобатга олишга мажбур қила олишим мумкин эдими? Ҳозир фарзандим 3 ёшдан ошди, туғиш таътили тугаб ишга тушиб кетганман. Аслида булар ўтмишда қолган гаплар, лекин барибир одамга алам қилар экан...***

**Ҳурмат билан**
**Тошкент вилоятидан Р-ва.**

– Маънавий зарарнинг ўрнини қоплаттириш асосан судья ҳал қиладиган масала. Ўзгаларнинг пул маблағларидан, сиз айтган ҳолатда бола учун бериладиган, давлат томонидан тайинланган нафақа билан шундай ҳол содир этилган, фойдаланганлик учун корхонангиз сўзсиз пул тўлаши керак. Шу масалада сиз судга қадар бизга мурожаат этишингиз, мутахассиснинг малакали фикрини, сизнинг олдингиздаги қарз ва ўтган давр мобайнида Марказий банк белгилаган қайта молиялаш ставкаси қўшилган ҳисоб-китобларни олишингиз мумкин. Ана шу ҳужжатни бухгалтерияга топширгач, қайта ҳисоб-китоб қилишларини талаб этишингиз мумкин.

Низо тинч йўл билан ҳал бўлишига кўзингиз етмаса, у ҳолда судга мурожаат этиб, судьядан экспертиза ўтказилишини тайинлашни сўрашингиз ва суд-иқтисодий экспертиза хулосасини олишингиз мумкин. Дарвоқе, хоҳ суд орқали, хоҳ ўзингиз мустақил равишда қайта ҳисоб-китоб қилинишига исталган вақтда эришишингиз мумкин.

? ***Мукаррам холанинг бошига мусибат тушиб, эридан ажралиб қолди. Поччамиз фирма омборига товар олиб кетаётганида йўлда аварияга учраб вафот этди. Ҳеч қаерда ишламаётган муштипар холам ёш болалари билан чирқираб қолди. Марҳум поччамиз хусусий компанияда ҳайдовчи бўлиб ишларди. Компания директори бева холамизга аввалига ҳамдардлик қилди, дафн ва ундан кейинги маросимларни ўтказишда моддий жиҳатдан ёрдам берди. Аммо холам фирмага боқувчисини йўқотганлик муносабати билан пенсия тайинлаш масаласида мурожаат этганида, директор тўнини тескари кийиб, бундан буён ҳеч қанақа хайрия ишларини қилмаслигини айтиб, хонасидан холамни ҳайдагудек чиқариб юборибди.***

**З-ва.**
**Чиноз шаҳри.**

– Сиз айтган ҳолатда гап хайрия ҳақида эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши ҳақида бормоқда. Амалиётимизда бунга ўхшаш воқеаларга кўп дуч келамиз. Эксперт бундай кезларда хулоса чиқаришга асос бўлган ҳужжатларни текшириш билан шуғулланишга мажбур бўлади. Шу зайл ҳалок бўлган шахснинг боқимида бўлган ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган яқин қариндошларига тўланиши лозим бўлган пенсия миқдорининг ҳисоб-китоби чиқарилади. Қонунга биноан, белгиланган миқдордаги пенсия ҳалок бўлган шахснинг иш берувчиси айби билан тўхтаб қолган бўлса, қайта молиялаш ставкасини инобатга олган ҳолда тўланмоғи керак. Даъвогарлар моддий зарар учун компенсация талаб қилишлари ҳам мумкин.

? ***Пенсия олишимизга ҳали анча бор, лекин шу йилнинг ёзидан буён ишхонада иш ҳақи олмаяпмиз. Илгарилари ҳам икки, уч ойлаб иш ҳақи беришмасди. Маъмурият бу борадаги барча саволларимизга компаниянинг қарзи ва қатор муаммолари бор деган жавоб билан қутулади. Лекин биз ишни тўхтатиб қўймаймиз, суръатни пасайтирмаймиз ҳам, чунки ишлаб чиқариш компаниясида бундай қилиш яхши оқибатга олиб келмайди. Биз ўзимизга тегиши лозим бўлган пулни суд орқали ундиришни ўйлаяпмиз. Шу муносабат билан Сиздан қайта ҳисоб-китоб қилишни талаб қилишимиз мумкинми деб сўрамоқчиман. Ахир қора қозон қайнаши учун фоиз билан қарз кўтардик, ҳозир ҳам қарзсиз кунимиз ўтмаяпти.***

**N. компанияси ходимлари.**
**Тошкент шаҳри.**

– Бу муаммо Тошкент вилоятидан савол йўллаган газетхонимиз мурожаатига жуда ўхшашдир. Фарқи бу сафар гап болаларга тўланадиган нафақа эмас, балки иш ҳақи хусусида бормоқда. Ҳар иккала ҳолатда ҳам сизларнинг пулларингизни ҳозирги ибора билан айтганда «айлантириб олишяпти». Бунда ҳам иш тутиш режаси ўша-ўша: судга даъво тақдим этиб, иш судда кўрилаётганда суд-иқтисодий экспертизасини ўтказиш илтимоси билан мурожаат қилиш ёки бизнинг марказимизга хусусий тартибда мурожаат этиб, мутахассис фикрини олиш мумкин. Бу ҳужжат, агар сиз ўзингизни хафа қилганларни низони судсиз ҳал этишга ишонтира олмасангиз, ишга доир материалларга тиркаб қўйилади. Марказий банк томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасини инобатга олган ҳолда қилинган қайта ҳисоб-китоб шу давр учун бой берилган пулларингизни баайни уларни банкка сақлаш учун топширганингиздек, қайтариб олиш имконини беради.

Шу ўринда бир нарсани эслатмоқчиман. Фуқаролик ишлари, яъни жиноий бўлмаган ишлар доирасида суд-иқтисодий экспертиза ўтказиш ва мутахассис фикрини олиш пулликдир. Шуниси ҳам борки, марказ хизматлари учун тасдиқланган тарифлар бор эканлигига қарамай ҳар бир алоҳида ҳолатда мурожаат этган фуқароларнинг ҳол-аҳволи ва имкониятлари албатта эътиборга олинади.

Суд экспертизаси, шу жумладан СИЭ – терговчининг қарори (суднинг ажрими) билан тайинланадиган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг топшириғига биноан иш бўйича аниқланган материаллар ва объектларни ҳамда фан, техника ва билимларнинг бошқа махсус соҳалари билимдони бўлган шахсларнинг берган хулосаларини тадқиқ этишдан иборат бўлган жиноят процессуал ҳаракатидир.

***«СБХ» мухбири***
**Эльвира ЯГУДИНОВА тайёрлади.**

# ЎЗИ ШИРИН БЎЛСА-ДА

## ИШНИНГ МОҲИЯТИ

***Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона (бундан кейин - ҚК) тузилган импорт контрактларига кўра ўз хўжалик фаолиятини таъминлаш учун шакар олиб кирди. Божхона органи уни олиб кириш чоғида ҚКдан 30 млн сўм акциз солиғи ундирди.***

***Бундай ҳаракатларни нотўғри деб ҳисоблаб, ҚК хўжалик судига ушбу суммани ундириш тўғрисида божхона органига даъво билан мурожаат қилди. Биринчи инстанция суди даъво талабларини тўлиқ қаноатлантирди. Апелляция инстанциясида иш кўрилмади.***

***Чиқарилган ҳал қилув қарорига қўшилмаган божхона органи Олий хўжалик судига уни бекор қилиш ва даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида кассация шикояти билан мурожаат қилди.***

## ҚЎШМА КОРХОНАНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

ҚК рўйхатдан ўтказилган ва унга хорижий капитал инвестицияланган пайтда шакар акцизли товар эмас эди ва, тегишинча, унга акциз солиғини тўлаш бўйича мажбурият йўқ эди. У 2002 йилдан акцизли товарга айланди. Бу эса мавжуд инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирди. Шунга асосан ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларига амал қилиб, қўшма корхона инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида шакар олиб кирилаётганда акциз солиғини тўламасликка ҳақлидир.

## БОЖХОНА ОРГАНИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Қўшма корхона - Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳудудга акциз солиғи солинадиган истеъмол товарини олиб кирган. Шунга асосан қонун ҳужжатларининг имтиёзли солиқ солинишини қўллаш тартибини кафолатлайдиган қоидалари унга татбиқ этилмайди, чунки уларни қўллашда ҳуқуқ субъектлари бўлиб фақат норезидент чет эллик инвесторлар ҳисобланади. Шу тариқа, акциз солиғини ундириш тўғри амалга оширилган ва тўланган сумма қайтарилмайди.

## СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати ишда иштирок этувчиларнинг, ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдириш керак деб ҳисоблаган прокурорнинг фикрини тинглаб, кассация шикоятининг важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

– қўшма корхона Ўзбекистон Республикасида Адлия вазирлиги томонидан 1997 йилда рўйхатдан ўтказилган ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ҳисобланган;

– инвестициялаш (корхонани барпо этиш) пайтида шакар акцизли товарларга кирмаган. Унга акциз солиғи 2002 йил 1 июлдан бошлаб жорий этилган;

– уни жорий этиш инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирган ва, бинобарин, ҚКга 1998 йил 30 апрелдаги 611-I-сон «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган кафолатлар татбиқ этилиши керак;

– кўрсатилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат 3-моддасининг тўртинчи қисмида *(унга 2005 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-6-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилгунча бўлган таҳрирда)* белгиланган: агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилади;

– Хўжалик процессуал кодекси 60-моддасининг иккинчи қисмига кўра хўжалик судининг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар худди шу шахслар иштирокчиси бўлган бошқа ишни суд кўраётганда янгидан исбот қилинмайди. ҚК учун инвестициялаш шарт-шароитларини олиб кирилаётган шакарга акциз солиғини жорий этиш билан ёмонлаштириш ҳолатлари кассация инстанцияси судида кўрсатилган қўшма корхона иштирокида бошқа хўжалик ишини кўриш давомида аниқланган;

– Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисида йўриқнома *(Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 14 июлда 947-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* 2.4-бандининг учинчи хатбошисига кўра божхона тўловларини қайтариш фақат уларни тўлаган ёки пул маблағлари сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилган тўловчиларгагина амалга оширилади. У божхона органининг депозит ҳисобварағидан амалга оширилади.

Суд ҳайъати биринчи инстанция суди моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрларини тўғри қўллаган ҳамда қўшма корхонанинг даъво талабларини асосли равишда қаноатлантирган деб ҳисоблайди.

Баён этилганларга асосан ва Хўжалик процессуал кодексининг 187 ҳамда 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз, божхона органининг кассация шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қилди.



## ШАРҲ

*«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун (1998 йил 30 апрель 609-I-сон) 6-моддасининг иккинчи қисмига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Улар қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар. Чел эл инвестициялари иштирокидаги корхона қатнашчиларидан бири чет эллик инвестор бўлиши шарт.*

*Шуни ҳисобга олиш лозимки, кўрилаётган низо бўйича ҳал қилув қарорини чиқараётганда суд 1998 йил 30 апрелдаги 611-I-сон «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуннинг, унга 2005 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-6-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилгунча бўлган таҳрирдаги 3-моддасининг тўртинчи қисмига амал қилган. Унга кўра, агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилади. Чет эллик инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллашга ҳақли эди. Суднинг фикрича, ҚКни инвестициялаш шарт-шароитларини унинг учун илгари солиқ солинмаган импорт товарларига* ***акциз солиғини*** *тўлаш мажбурияти жорий этилиши ёмонлаштирди, чунки бу ҳол тўловчи мажбурий тўловларининг жами босимини ва у бюджетга тўлайдиган мажбурий тўловларнинг жами миқдорини кўпайтирди.*

*Солиқ кодекси 80-моддасининг биринчи қисмига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган товарларга ва импорт қилинган, акциз тўланадиган товарларга акциз солиғи солинади. Импорт учун солиқ солиш объекти бўлиб товарларнинг божхона қиймати ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 17 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сон қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида» 215-сон қарори 1-бандининг тўртинчи хатбошисига (ҳозирги пайтда ўз кучини йўқотган) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларга, шу жумладан шакарга ҳам акциз солиғи ставкалари тасдиқланган. Кўрамизки, бу товар 2002 йилдан бошлаб акцизли товарга айланган. Бундан 1997 йилда барпо этилган қўшма корхона 2002 йилгача шакар олиб кираётганда акциз солиғи тўламаганлиги келиб чиқади.*

*Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, суд кўрсатдики, акциз солиғини тўлашдан озод этиш ҚК учун 611-I-сон Қонун 3-моддасининг тўртинчи қисмида (унга ЎРҚ-6-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилгунча) бўлган кафолат туфайли инвестициялаш (барпо этиш) пайтидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қилади.*

*Ортиқча тўланган акциз солиғи суммасини қайтариш божхона органининг депозит ҳисобварағидан Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисида йўриқномада (Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 14 июлда 947-сон билан рўйхатдан ўтказилган) назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Даъво билан судга мурожаат қилишдан олдин хўжалик юритувчи субъект фаолият зонасида акцизли товарлар расмийлаштирилган ҳудудий божхона органига ортиқча тўланган тўловларни қайтариш талаби билан мурожаат қилиши мумкин. Фақат рад жавобини олибгина суд инстанцияларига мурожаат этиш мумкин.*

*Ҳозирги вақтда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонун 3-моддасининг тўртинчи қисми янги таҳрирда амал қилаётганига эътибор қаратиш керак. Асосий фарқ шундаки, энди кафолат чет эл* ***инвестицияларига*** *эмас, балки чет эллик* ***инвесторларга*** *нисбатан қўлланади. Шунингдек уларнинг аҳволини ёмонлаштирадиган* ***шарт-шароитлар*** *рўйхати жорий этилган. Уларга қуйидагилар киради:*

*– чет эллик инвесторга тўланадиган, дивиденд тарзида олинадиган даромадларга солиқ миқдорининг (ставкаларнинг) кўпайтирилиши;*

*– чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўтказиладиган даромадини (фойдасини) ўз мамлакатига қайтариш тартиб-таомилини мураккаблаштирувчи ёки уларнинг миқдорини камайтирувчи қўшимча талабларнинг жорий этилиши, бундан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги ёки кредит берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, чет эллик инвестор – жисмоний шахс содир этган жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида ёхуд суд ёки ҳакамликнинг ҳал қилув қарорига мувофиқ маблағларни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда ваколатли давлат органи томонидан чет эллик инвесторнинг маблағларини қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда қўллаш шароитида ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туриш ҳоллари бундан мустасно;*

*– инвестициялашни амалга ошириш ҳажмларига нисбатан миқдорий чеклашларнинг ва инвестициялар миқдори бўйича бошқа қўшимча талабларнинг, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда чет эл инвестицияларининг энг кам миқдорини кўпайтириш тарзида, жорий этилиши;*

*– чет эллик инвесторнинг корхоналар устав фондларида (устав капиталларида) улуш билан иштирок этиши бўйича чеклашларнинг жорий этилиши;*

*– чет эллик инвесторларнинг – жисмоний шахсларнинг визаларини расмийлаштириш ва узайтириш борасида қўшимча тартиб-таомилларнинг, шунингдек чет эл инвестицияларини амалга ошириш бўйича қўшимча талабларнинг жорий этилиши.*

*Шу тариқа, бугунги кунда судда илгари солиқ солинмаган олиб кириладиган товарга акциз солиғининг жорий этилиши чет эллик* ***инвестор*** *учун у барпо этган қўшма корхонани инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиришини исботлаш мушкулроқдир.*


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**
**ЎЗБЕКИСТОНДА БМТ РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИ**
**«ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ» ЛОЙИҲАСИ**
**РЕСПУБЛИКА ЖУРНАЛИСТЛАРИ ЎРТАСИДА "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА МАЛАКАЛИ ЁРИТИШ" МАВЗУСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

1. Танлов республика ва ҳудудий ОАВда фаолият кўрсатаётган журналистлар учун ўтказилади. Журналистлар 2006 йил 12 декабрдан 2007 йил 31 май оралиғида рус ёки ўзбек тилида эълон қилинган ўз ижодий ишларини танловга юборишлари мумкин. Бу ижодий ишларда солиқ тизими ҳаёти, солиқ қонунчилигидаги ўзгариш ва янгиликлар, бу борадаги долзарб муаммолар тўлақонли ва малакали ёритиб берилган бўлиши талаб этилади.

2. Танловда исталган мулкчилик шаклидаги ва ҳудудий жойлашувдаги (республика, вилоят, туман ва шаҳар) оммавий ахборот воситаси вакиллари иштирок этиши мумкин.

3. Журналистлар томонидан тайёрланган материаллар қуйидаги устуворлик мезонларига қараб белгиланади:

- солиқ тизимининг ижтимоий аҳамияти қай даражада очилган;
- материалнинг оддий ва халқчил тилда бўлиши;
- материалнинг жозибадор ва ўзига хос услубда берилиши;
- мавзуда муаммоларнинг тўлиқ қамраб олиниши.

4. Материаллар қуйидаги тартибда топширилади:

- тележурналистлар видеоматериали исталган видеоусулда олинган (ҳар бирининг давомийлиги 3 дақиқадан 30 дақиқагача) бўлиши мумкин, рангли формат мақбулроқ;

- радиожурналистлар аудиоматериали аудиокассета ёки CDга ёзилган (ҳар бирининг давомийлиги 5 дақиқадан 30 дақиқагача) бўлиши мумкин;

- газета журналистлари босма материалини даврий нашр намунаси (ёки кўчирма нусхаси)ни топширадилар;

- Интернет материаллар сайти кўрсатилган ҳолда, қоғозга чиқарилган ва CD электрон ташувчиси ёки дискетага ёзилган нусхада бўлиши керак;

- муаллиф ҳақидаги қисқача маълумотда унинг тўлиқ исм-шарифи, паспорт маълумотлари, лавозими, иш жойи манзили, алоқа боғлаш телефони резюме шаклида илова қилиниши лозим.

5. Танловга жўнатилаётган материаллар "СОЛИҚ ТАНЛОВИ УЧУН" деган белги билан 2007 йилнинг 1 июнигача БМТРДнинг "Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш" лойиҳаси офисига топширилиши лозим.

6. Танлов якунлари 2007 йилнинг 27 июнида эълон қилиниб, ғолиб деб топилганлар Ўзбекистон ДСҚ ва БМТРДнинг фахрий совринлари, қимматбаҳо совғалар ҳамда дипломлар билан тақдирланадилар.

Қўшимча маълумот олиш учун мурожаат қилишингиз мумкин:

**Тўрабек ТЎРАЕВ,**
ДСҚ Ахборот хизмати бошлиғи.
Тел.: (99890) 144-98-27
Факс: (99871) 144-98-34
E-mail: turabek@mail.ru

**Лазиза РАҲИМОВА**
БМТРД «Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш» лойиҳасининг административ ва ахборот масалалари бўйича ёрдамчиси.
Тел.: (998-71) 150 02 02
Факс: (998-71) 361 45 48
E-mail: Laziza.Rakhimova@cer.uz



# БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

*Мавзувий нашр*

**М У Н Д А Р И Ж А:**


**ХУМШ аъзоларига – устав, қолганларга – шартнома**

**Устав – сизнинг жамоа келишувингиз**

**Чиқитлардан даромад**


## Ўқувчилар мактубларига шарҳ



# ХУМШ АЪЗОЛАРИГА – УСТАВ, ҚОЛГАНЛАРГА – ШАРТНОМА

***«Ширкат билан уй-жой мулкдорлари – ХУМШ аъзолари ўртасидаги намунавий шартнома нима ўзи? Шундай шартномани тузиш шартми?*** – деб сўрашади Фарғонадан газетхонларимиз Ивановлар. – ***Ўғлимиз иккинчи гуруҳ ногирони, у намунавий шартнома бўйича хизматлардан ташқари барча коммунал хизматларга ҳақ тўланадиган хусусийлаштирилган квартирада яшар эди. У узоқ вақт касалхонада ётди, шу сабабли ширкат билан шартнома тузилмади, шартнома бўйича тўловлар амалга оширилмади. Бу йил ўғлим вафот қилди, лекин ширкат аввалгидек намунавий шартнома бўйича хизматга ҳақ ёзмоқда ва тўлашни биздан талаб қилмоқда. Биз ўғлимизнинг вафот этгани тўғрисидаги гувоҳномани ва бу тўловларни биздан талаб қилмасликлари хусусида ариза топширдик, лекин ХУМШ талаб қилишда давом этмоқда. Биз квартирада барча таъмирлаш ва сантехника ишларини ўз ҳисобимиздан бажардик, ширкатдан ёрдам талаб қилмадик».***

Фарғоналик бошқа газетхонимиз Людмила Пак ҳам ширкат билан ХУМШ аъзоси ўртасидаги техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги намунавий шартномани эслатади.

***«Мен аъзо бўлган «Ҳилола-сервис» ширкатида техник хизмат кўрсатиш учун шартнома тайёрлашганини яқинда билдим, бу шартнома техник хизмат кўрсатиш учун ХУМШ аъзолари ўртасида тузилар экан. Демак, шартнома тузиш тамойили пойтахтдаги баъзи ширкатларда ҳам давом этмоқда. Бу ҳол қонунларимизга тўғри келадими?»***

Келинг, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунга *(бундан буён – Қонун)* мурожаат қилиб, ҳамма нарсани равшанлаштириб олайлик. ХУМШ билан уй-жой мулкдорлари – ширкат аъзолари ўртасидаги муносабатлар қандай тартибга солиниши керак? Қонунда ХУМШ ўзини- ўзи бошқариш асосида ишлаши белгилаб қўйилган *(Қонуннинг 4-моддаси)*. **ХУМШ аъзолари ва ширкатнинг ҳуқуқлари ва бурчлари Қонун** ва ташкилий умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланадиган ширкат уставида белгиланади *(10-модда)*. **Ширкат билан яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг ширкатга аъзо бўлмаган мулкдорлари ўртасидаги муносабатлар шартнома билан белгиланади** *(6-модда)*. Демак, ширкат аъзоси бўлган квартира эгалари ширкат билан шартнома тузмайдилар. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарори **ХУМШ аъзолари учун намунавий устав ва ширкат билан кўп квартирали уйлардаги одам яшамайдиган жойларнинг эгалари ўртасидаги намунавий шартномани тасдиқлаб,** Қонуннинг бу меъёрларини мустаҳкамлади. Демак, шартнома муносабатлари ширкатда унга аъзо бўлмаган мулкдорлар ўртасида пайдо бўлади.

Техник хизмат кўрсатиш учун намунавий шартнома тузиш эса «ёғлик ёғ» деган тавтологияга ўхшашдир. Ширкат аъзолари ўзи билан ўзи шартнома тузган бўлади, чунки ХУМШ квартира эгаларининг бирлашмасидир. Бундан ташқари, ҳар қандай намунавий шартнома Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши шарт. Агар ҳукуматнинг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарорида ХУМШ ва унинг аъзолари ўртасида шартнома тузиш зарурлиги кўрсатилмаган бўлса, ХУМШ аъзоларига қандай шартнома таклиф қилинмоқда, деган савол туғилади. Қарор билан фақат намунавий устав тасдиқланган, унда улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар батафсил кўрсатилган. Демак, ширкат квартира эгаларига шартномани таклиф қилаётган бўлса, ўзи ёддан билиши лозим бўлган қонунни билмайди.

«Ҳилола-сервис» ширкати қайд этган шартнома предмети – *«умумий фойдаланиш жойларига эксплуатация-техник хизмат кўрсатиш ва коммунал хизмат кўрсатиш»* юридик саводсизликни кўрсатади, холос. *«Эксплуатация хизматини кўрсатиш»* жумласи хусусийлаштиришдан олдинги даврдан қолган, чунки у вақтда ўз квартирасидан эмас, давлат квартираларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинган. Ҳозир ширкатнинг вазифаси эксплуатация-техник хизмат кўрсатиш эмас, балки биргаликда бошқариш, уй-жой фондини асрашни, сақланишини таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорларининг умумий мулкидан ▶

фойдаланиш. Шартномада эса ХУМШ аъзоларининг мажбурий бадаллари (Қонунда худди шундай дейилган) **эксплуатация харажатлари** дейилади.

Ширкат ўз аъзоларига қандай коммунал хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузади – сув, иссиқлик, газ ва бошқа ҳаётий зарур нарсалар билан таъминлаш хусусидами? У бундай хизматларни тақдим эта олмайди. Бу нарса коммунал хизматларни етказиб берувчиларга хос ҳуқуқ, улар истеъмолчилар билан шартномалар тузадилар. Шартномада айтилганидек, **ижрочи** орқали коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ҳам бўлмаган гап. Қонунда мажбурий бадалларни алоҳида йиғиш (бу ишни ширкат бажаради) ва коммунал хизматларни етказиб берувчиларга мажбурий тўловлар (коммунал тўловлар энди Қонунга мувофиқ ана шундай аталади)ни назарда тутади.

Ширкатда менга ширкат аъзоларининг ўзлари шартнома тузишни талаб қилишяпти, деб тушунтиришди. Агар шундай бўлса, шартнома Қонунга мувофиқ равишда, юридик саводни тузилиши, ХУМШда муносабатларни тартибга соладиган асосий ҳужжатга – ширкат уставига зид бўлмаслиги керак.

ХУМШ ёмон ишлайди, унда йиғилишлар ўтказилмайди, у ўз ҳолига, ширкат аъзолари ўз ҳолича. Уставда нималар ёзилганини одамлар билишмайди, деб тасаввур қилайлик. Балки томонларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари, мажбурий тўловларни киритиш тартиби, умумий мулкни бошқариш усуллари ёзиб қўйилган шартнома бўлиши яхшироқдир. Лекин у ҳолда шартнома уставга сўзма-сўз мос келиши, унда одамларга қулай бўлиши учун шартнома муносабатлари назарда тутилаётгани, акс ҳолда шартнома тасдиқланган намунавий уставдан фарқ қилмаслигига кафолат йўқлиги ҳамда унда Қонунга зид, квартира эгаларининг ҳуқуқларини камситадиган қоидалар пайдо бўлмаслигига кафолат йўқ.

### ҚЎШИМЧА УМУМИЙ МУЛК

Энди Ивановларнинг хатига қайтайлик. Квартиралар хусусийлаштирилганидан сўнг кўп қаватли уй-жой фонди давлат мулки бўлмай қолди ва кўп квартирали уйларда эгалик қилиш ҳуқуқи ўзгарди. Бундай уйлардаги квартиралар бизнинг мулкимизга айланди, биз ўзимиз эса – уларнинг эгаларига – хусусий мулкдорларга айландик. Квартирага эгалик қилиш ҳуқуқи билан бирга умумий мулкка ҳам эга бўлдик. Уни ҳам худди ўз уйимиз каби **ўз ҳисобимиздан асрашимиз керак.** Квартираларимиздан ташқаридаги ҳамма нарса: ертўлалар, чордоқлар, томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялар, лифтлар, зинапоялар, умумий хоналар ва бошқалар умумий мулк ҳисобланади. Ҳар биримизнинг умумий мулкдаги улушимизни асл ҳолида ажратиб бериб бўлмайди, *(Қонуннинг 29-моддаси)*, шу сабабли уни сақлашга умумий харажатларни **биргаликда зиммага олишимиз керак** *(Қонуннинг 30-моддаси)*. Ширкат билан Ивановларнинг ўғли ўртасида намунавий шартнома тузилгани ёки тузилмаганидан қатъи назар, Қонун ва уставда ҳар бир квартира эгасининг умумий мулкни асраш харажатларида иштирок этиш мажбурияти белгилаб қўйилган. Бу харажатларни қоплаш учун ширкат аъзолари ҳар ойда мажбурий бадалларни тўлашлари шарт. Коммунал хизматлар учун уларнинг истеъмолчилари мажбурий тўловларни уларни етказиб берувчиларга – сув иссиқлик ва газ билан таъминловчи корхоналарга тўлайдилар.

**Мулкдорнинг ўзига қарашли жойдан фойдаланмаслиги ёхуд умумий мулкдан фойдаланишдан воз кечиши уни умумий харажатларда тўлиқ ёки қисман иштирок этишдан озод қилмайди** *(30-модда)*. Шу сабабли хусусийлаштирилган квартиранинг эгаси шу уйда яшамаса ҳам, уйдаги умумий мулкни асрашга бадал қўшишга мажбурдир. Буни ҳар бир квартира эгаси беш бармоғидек билиши керак.

**«2000 йилда квартирамни капитал таъмирладим ва бу нарса 5-6 йилга етади, деб ўйладим,** – деб ёзади фарғоналик газетхон Л.Пак. – ***Лекин 2 йилдан буён ёғингарчилик мавсуми мени қийнамоқда – тўрт қаватли уйнинг учинчи қаватида яшасам ҳам томдан чакка ўтяпти. Менинг аризам бўйича комиссия тузилди, унга маҳалла қўмитаси ва ширкат раислари, уй қўмитаси раиси, қўшнилар киритилди. Ҳаммасини тўғрилашга ваъда беришди, лекин аҳвол олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Тўрт қаватли уйимиз 1970 йилда қурилган, шундан буён бирор марта таъмирланмаган. Томдан чакка ўтиб, тўртинчи қаватгина эмас, учинчи қаватни ҳам сув босмоқда. Ўтган йили биз ҳар бир квартирадан томни таъмирлашга 7,5 минг сўмдан, 2006 йилда 10 минг сўмдан тўпладик, лекин ҳеч қандай иш қилинмади. Нима учун пул тўлаяпмиз, квартирамни ким таъмирлаши керак? Ширкатнинг бепарволиги оқибатида менга етган зарарни ким тўлайди?»***

Квартира ичидаги таъмирлаш ишлари фақат квартира эгаси ҳисобидан қилинади. Бу ўзимизнинг хусусий мулкимиз, уни ўзимиздан бошқа ҳеч ким таъмирлашга мажбур эмас. Том масаласи ҳам тахминан шундай ҳал қилиниши керак. Том уй-жой мулкдорларининг умумий мулки рўйхатига киради. Том одамлар учун энг зарур нарсалардан бири бўлар экан, одамлар уни ширкатнинг кечиктирмай таъмирлаш ишлари режасига киритишга ҳаракат қилишлари керак. Томни таъмирлаш жуда кўп харажат талаб қилади. Шу боисдан одамлар бунинг учун пул тўплашади. Уй 1991 йилгача қурилган бўлса ва бирор марта капитал таъмирланмаган бўлса, бюджет маблағидан жалб этилиб, таъмирланиши мумкин. Лекин бир шарти бор: таъмирлаш ишлари смета қийматининг 30 фоизини ширкат аъзолари тўлаши лозим бўлади. Бунинг учун ширкат квартира эгаларининг мажбурий бадалларидан 90 фоизни ажратади. Баъзи ширкатларда одамлар уй капитал таъмирланишини кутмай, томни таъмирлашда мақсадли бадаллар йиғишади, кредит олишади. Муаммо мулкдорлар назоратида бўлса – у ҳал қилинмай қолмайди. Агар ширкат ҳаракат қилмаса, томдан ҳар йили чакка ўтаверса, одамлар ХУМШга даъво билан судга мурожаат қилишлари мумкин. Судга беришдан олдин улар ширкатга икки нусхада ёзма ариза беришлари лозим (бир нусхаси ХУМШ раҳбарининг имзоси билан квартира эгасида қолади). Аризада чакка ўтишини тугатиш чораларини кўриш илтимоси баён қилинади. Агар ширкат аризангизни эътиборсиз қолдирса, у ҳолда ширкат билан судлашиш лозим. Даъво аризасига экспертизанинг сизга етказилган зарар миқдорини аниқлаган хулосаси илова қилинади. ●

Нуқтаи назар

# УСТАВ – СИЗНИНГ ЖАМОА КЕЛИШУВИНГИЗ

***Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати квартира эгаси билан шартнома тузиши керакми?***

***Ушбу саволга «KELAJAK SHAHRI RIVOJI» консалтинг марказининг директори Гавҳар АЛИЕВА жавоб беради. Мазкур ташкилотни уй-жой-коммунал хўжалиги мутахассислари ХУМШ ва уй-жой-коммунал хизматлари бозорини ривожлантириш орқали УЖКХни ислоҳ қилишга кўмаклашиш мақсадида барпо этганлар.***

– Бу саволга жавобни 2006 йил 12 апрелда қабул қилинган «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонундан *(бундан кейин – Қонун)* топиш мумкин. Унга кўра кўп квартирали уйдаги турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг барча мулкдорлари ундаги умумий мол-мулкнинг мулкдорлари ҳисобланадилар *(5, 6, 29-моддалар)*, шу сабабли уни сақлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммага олишлари шарт *(Қонуннинг 6 ва 30-моддала-*

*ри). Фуқаролик кодекси эса (218-219-моддалар)* улушли мулкдаги мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан амалга оширилади.

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни биргаликда бошқариш (қарорлар қабул қилиш) ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш имконини беради *(Қонуннинг 4-моддаси).* Бироқ қонун ижодкори ширкат ташкил этиш ҳуқуқини фақат турар жойлар (квартиралар)нинг мулкдорларига берган *(Қонуннинг 3-моддаси).* Шу сабабли ХУМШнинг квартира мулкдорлари ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари билан муносабатлари турлича тартибга солинади:

- турар жой мулкдорлари (ширкат аъзолари) билан ХУМШ ўртасидаги ўзаро муносабатлар Қонун ва ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарорлари билан тартибга солинади *(Қонуннинг 30-моддаси);*
- ширкат билан яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорлари ўртасидаги муносабатлар мажбурий тартибда тузиладиган шартнома билан тартибга солинади *(Қонуннинг 6-моддаси).*

Албатта, шартнома – тарафлар муносабатларини тартибга солишнинг, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва бир-бирлари олдидаги жавобгарликларини тартибга солишнинг энг кўп одатланилган ва кенг тарқалган усулидир. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ у ушбу масалаларни белгилаб беришнинг ягона усули эмас. Фуқаролик кодексининг 8-моддасига кўра ҳуқуқ ва бурчлар давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларидан, суднинг қароридан, Қонун йўл қўядиган асосларда мол-мулк олиш натижасида, **қонун ҳужжатлари фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлайдиган ҳодисалар натижасида** ва бошқа омиллардан вужудга келиши мумкин.

**Кўп квартирали уйда хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини ташкил этишни унинг натижасида фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлар:** мулкдорлар ва ширкатнинг мулкдорлар умумий мол-мулкини сақлаш билан боғлиқ ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келадиган ҳодиса сифатида қараш мумкин.

Қонун ширкатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғридан-тўғри белгилаган *(15 ва 16-моддалар).* Унинг аъзолари (квартира мулкдорлари)нинг ҳуқуқ ва бурчлари Қонуннинг турли моддаларида, шунингдек Ширкатнинг намунавий уставида *(Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган)* белгилаб қўйилган.

Шу тариқа, ушбу муносабатларни тартибга соладиган асосий ҳужжат бўлиб Қонуннинг ўзи, сўнгра – ширкат ташкил этилаётганда турар жой мулкдорларининг кўпчилик овози билан қабул қилинадиган ширкат устави, шунингдек ХУМШ аъзоларининг кейинги барча умумий йиғилишларининг қарорлари ҳисобланади.

Устав ширкат фаолиятининг мақсади, турар жой мулкдорларининг (ХУМШ аъзоларининг) ҳамда юридик шахс сифатида ширкатнинг умумий мол-мулкни сақлашга нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Яъни **устав тарафларнинг одатда шартнома мазмунини белгилайдиган ҳуқуқ ва бурчлари мажмуини қайд этади.** Амалда ширкат устави айни уларнинг ўзлари ташкил қиладиган юридик шахсга (ширкатга) нисбатан умумий мол-мулк мулкдорларининг жамоа келишуви ҳисобланади. Фақат икки шахснинг эмас, балки бир неча шахснинг ҳам келишуви шартнома бўлиши мумкин *(ФКнинг 353-моддаси).*

Қонун лойиҳасини кенг муҳокама қилиш, сўнгра унинг Олий Мажлисда кўрилиши вақтида қонун ижодкорлиги жараёнининг иштирокчилари умумий мулкнинг кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулк сингари тури учун **ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарорлари ва улар тасдиқлайдиган ширкат устави** квартира мулкдорлари ва ХУМШ ўртасидаги якка тартибдаги шартномаларга қараганда **тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилашнинг янада афзал усули** эканлиги хусусида бир хулосага келдилар, чунки:

- тарафларнинг муносабатлари айрим мулкдорнинг мол-мулки – унинг квартирасига (фақат у мулкдор билан ХУМШ ўртасидаги якка тартибдаги шартноманинг предмети бўла оларди) эмас, балки умуман барча мулкдорларнинг умумий бўлинмас мол-мулкига тааллуқлидир;
- устав амалда ёзма равишда расмийлаштирилган ва давлат ваколат берган рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жамоа келишуви ролини ўйнайди (айрим мулкдор билан ХУМШ ўртасидаги шартномадан фарқли ўлароқ, бундай шартнома нотариал тасдиқланмайди ва рўйхатдан ўтказилмайди);
- ширкат устави тарафларнинг ҳамма учун бир хил бўлган, мол-мулк мулкдорларининг кўпчилиги томонидан ва кўпчилик манфаатларини кўзлаб қабул қилинган ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди. Шу сабабли, шартномадан фарқ қилиб, у айрим мулкдорлар ва ХУМШ ўртасида ҳуқуқ ва бурчлар бўйича низолар чиқишига, умумий мол-мулкка нисбатан мулкдорларнинг биронтаси тенг ҳуқуқли бўлмаслигига йўл қўймайди ҳамда Низом (жамоа келишуви сифатида) қоидаларини ўзгартиришлар фақат кўпчиликнинг қарори бўйича қилиниши мумкинлигини кафолатлайди.

Қонунга мувофиқ устав қоидалари, ХУМШ аъзолари умумий йиғилиши асосий қарорларининг бири сифатида, барча квартира мулкдорларига татбиқ этилади *(22-модда),* улар, Қонунга кўра, сўзсиз ширкат аъзолари ҳисобланадилар *(13-модда).* Тарафлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг алоҳида усулини (Қонун+умумий йиғилиш қарорлари) белгилаган Қонуннинг қабул қилиниши билан квартира мулкдорининг ХУМШ билан шартнома тузиш хоҳиши ёки буни хоҳламаслиги боис низолар учун имконият бўлиши истисно этилади. Ширкатнинг уларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлари камаяди, судда тарафлар ўртасидаги низоларни кўриш учун расмий тўсиқлар бўлмайди (Қонун қабул қилингунга қадар айрим ҳолларда шартноманинг мавжуд эмаслиги суд учун ишни кўришга қабул қилишни рад этиш учун асос бўлган эди).

Янги Қонуннинг катта ижтимоий аҳамияти нафақат у ширкат ва квартира эгаларининг (ширкат аъзоларининг) ҳуқуқ ва мажбурият (бурч)ларини ҳужжатлар билан расмийлаштиришни енгиллаштиришидагина эмас, балки қонун йўли билан белгиланган ўзини ўзи бошқариш механизмлари ёрдамида ширкат орқали умумий масалаларни ҳал этиш учун уларни уйда бирлашишга имкон яратишида ҳамдир.

Қонунга кўра барча квартира мулкдорлари ширкат аъзоларининг умумий йиғилишлари (ёки бир нечта кўп квартирали уйни бирлаштирган ХУМШда алоҳида уй турар жой мулкдорларининг йиғилишлари) орқали умумий мол-мулк бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этадилар *(19-23-моддалар).*

Қонуннинг 6-моддаси ХУМШ билан яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори ўртасида мажбурий тартибда шартнома тузиш талабини белгилаган. Бунинг боиси шундаки, квартира мулкдорларидан фарқли равишда яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори ширкат аъзоси ҳисобланмайди, бинобарин, ширкат устави ва умумий йиғилиш қарорларининг талаблари унга татбиқ этилмайди. Айни шу сабабли унинг ҳуқуқ ва бурчларини, шунингдек ХУМШнинг кўп квартирали уйининг умумий мол-мулкида яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорига тегишли бўлган улушни сақлашни таъминлаш мажбурияти белгилаб қўйиладиган ёзма шартнома зарур. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори ўртасида намунавий шартномада *(Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон буйруғи билан тасдиқланган)* белгиланишича, ХУМШ белгиланган меъёрлар, стандартлар ва қоидаларнинг талабларига, шунингдек ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарорларига амал қилади. Шу тариқа, яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори ёки ширкатнинг шартнома шартларини ўз ҳолича белгилаш имкониятлари жуда ҳам чеклаб қўйилган. ●

# ЧИҚИТЛАРДАН ДАРОМАД

***Пластик шишалар – чапга, қоғоз ва картон – ўнгга. Шиша идишлар учун, озиқ-овқат чиқитлари, фойдаланилган батарейкалар ва қурилиш чиқитлари учун контейнерлар ҳам шу ерда. Тошкентнинг «Тўқимачи» маҳалласида қаттиқ рўзғор чиқитларини алоҳида-алоҳида йиғадиган ана шундай ихтисослашган майдонча пайдо бўлди. Одамларни ахлатни контейнерга ташлашдан олдин уни турларига қараб ажратишга чақирадиган плакат ҳам шу ерда. Чиқитлар тўпланадиган бошқа майдончалардан фарқли равишда бу ерда шиша идишларни, пластик баклажкаларни, макулатура ва электр батарейкаларини қабул қиладиган хона ҳам бор. Хизмат қилувчи ходимлар учун шароитлар яратилган. Улар учун дам олиш хонаси, душхона, ҳожатхона қурилган. Келгусида пластик идишларни қайта ишлаш ҳам ташкил қилинади.***



*«Тўқимачи» маҳалласида майдончанинг очилиши.*

Тошкентдаги «Армон» маркази қаттиқ рўзғор чиқитларини тўплаш муаммосини ҳал қилишда ана шундай ташаббус бошлади. Марказ мутахассислари «Чиқитлардан даромад: қаттиқ рўзғор чиқитларини бошқаришнинг оқилона моделини жорий этиш» лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Унинг мақсади хизмат кўрсатишнинг бозор қоидалари асосида қаттиқ рўзғор чиқитларини ҳудудий бошқариш моделини ишлаб чиқишдир. Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини камайтириш, аҳолининг саломатлигини яхшилаш, маҳаллий ҳамжамиятларни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашиш мақсадида шундай қилинмоқда. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси қўллаб-қувватлаган лойиҳанинг бир неча молиялаш манбаи мавжуд. Нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмасининг улуши 1,2 миллион сўмни, «Армон» марказининг улуши 800 минг сўмни, «Тўқимачи» маҳалласи фуқароларининг йиғини улуши 1,5 миллион сўмни, бизнес тузилмалари ва хусусий шахсларнинг улуши 950 минг сўмни ташкил қилди.

– Чиқитлардан фойдаланиш масаласи ҳаммани қизиқтиради, – дейди **«Армон» марказига бошчилик қилаётган Дилбар Зайниддинова.** – Уларни самарасиз бошқариш ер, сув ресурсларининг, ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Минтақанинг биологик ва манзаравий хилма-хиллиги йўқолишига имкон яратади, инсон саломатлигига салбий таъсир қилади. Ахлат контейнерларига тушадиган рўзғор чиқитларининг кўп қисмини қайта ишлаш мумкин. Лекин бунга рўзғор чиқитларини турларига қараб алоҳида тўплаш ва ташлаб юбориш кўникмасига эга бўлмаган аҳоли маданиятининг етарли даражада эмаслиги сабаб бўлмоқда. Бундай кўникмани ёшликдан ҳосил қилиш керак. Республика шаҳарларида ҳеч бўлмаса 10 минг аҳолига биттадан қаттиқ рўзғор чиқитларини қабул қилиш пунктлари тармоғини ташкил қилиш зарур. Уни коммунал хизматлар базасида, қаттиқ рўзғор чиқитларини тўплаш жойида ташкил қилиш мумкин. Кейинчалик бу пунктлар ХУМШ билан шартнома бўйича рўзғор чиқитларини тўплаш билан шуғулланадиган кичик ёки хусусий корхоналарга сотилиши ёки ижарага берилиши мумкин. Шу тариқа шаҳар сарфлаган маблағ бюджетга қайтарилади.

Зайниддинованинг айтишича, лойиҳа вазифасига ихтисослашган майдонча қуришдан ташқари давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг экология маданиятини ошириш муаммоларини ҳал қилиш учун фуқаролар йиғинлари, бизнес тузилмалари билан амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳам киради. Хусусан, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Махсустранс» ИЧБ ДУК, вакиллари, Яккасарой туманининг «Тепа» ва «Тўқимачи» маҳаллалари фуқаролар йиғинлари билан амалий алоқалар ўрнатилди. Учта ҳашар ўтказилди, уларда маҳалла аҳолиси, эстрада-цирк билим юрти ўқувчилари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, ёшларнинг экологик ташаббускор гуруҳлари, бизнес тузилмаларининг вакиллари иштирок этдилар.



*«Тўқимачи» маҳалласидаги янги майдонча.*

Ихтисослашган майдонча «Тўқимачи» маҳалласининг фуқаролар йиғини балансига топширилди. Келгусида шу ернинг ўзида қаттиқ рўзғор чиқитларининг айрим турларини қайта ишлашни ташкил этиш назарда тутилмоқда, дунёдаги кўп мамлакатларда худди шундай қилинади. Бу эса чиқитларни қайта ишлаш пунктларига ташишдан анча арзонга тушади. Шу тарзда, қаттиқ рўзғор чиқитларини қабул қилиш тармоғи маҳалла фуқаролар йиғини ва ХУМШ учун даромад манбаға айланиши мумкин. Улар шу йўналишда шартнома асосида ишлашлари мумкин.

Чиқитларни даромадга айлантириш қанчалик муваффақиятли бўлишига эришиш фақат одамларнинг ўзига, уларнинг бу ишга виждонан муносабатда бўлишига боғлиқ. Шу сабабли онгли фуқароларнинг янги авлоди камолга етишини кутмаслик, балки санитария, гигиена ва экология соҳасида маърифий ишларни олиб бориш лозим, бу иш эса фуқаролар йиғини, ХУМШ, турли ННТларнинг қўлидан келади.

«Армон» марказининг мутахассислари ишни давом эттиришмоқда – улар қаттиқ рўзғор чиқитларини тўплашни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш устида бош қотира бошладилар. Айни шундай моддий манфаатдорлик аҳолини самарали тарбиялайди, одамларни ахлатни турларга ажратиб тўплашга ўргатади. ●

***Р.Мурзаханов олган суратлар.***

***Мавзувий нашрни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

